



ТОШКЕНТ

Ҳақсавар, вна юрт, мангу бўл обод!


ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2003 йил 9 май, жума • №38 (11.529)

Эркин нархда сотилади



Хотира ва Қадрлаш куни



«НУРОНИЙ»НИНГ НУРОНИЙЛАРИ

Қария бор хонадонда файз, рўзғорда барака бўлади. Бунинг сабаби эса уларнинг кўпни кўрганлиги, яхши-ёмон кунлардан сабр-бардош билан ўтганликларидадир.

Шунинг учун ҳам халқимиз кексаларни эъзозлаб, уларни бошларига кўтаради.

Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси ҳам ана шу мақсадда ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда у ўз олдига қўйилган мақсад ва вазифаларни баҳоли-қудрат амалга ошириб келмоқда. Ай-

ниқса, Хотира ва Қадрлаш куни арафасида фахрийларни ижтимоий ҳимоялаш борасидаги ишлар ўзгача бир жўшқинлик касб этаяпти.

— Ҳозиргача мингдан зиёд кексаларимизни йўқлашга, баҳоли-қудрат уларнинг кўнгилларини овлашга, уларда бугунги ҳаётдан мамнунлик ҳиссини уйғотишга ҳаракат қилдик,

— дейди жамғарма Тошкент вилоят бўлимнинг раиси Нурмон Насимов. — Хусусан, иккинчи жаҳон урушида жон олиб-жон талашган ва тинчлик учун ўзини таҳликага қўйган кексаларимизни ҳар доим эъзозлаймиз, қадрлаймиз. Бугун вилоятимизда ана шундай 4000 нафардан ортиқ фахрий истиқомат қилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбат-

(Давоми 2-бетда).

Мамлакатимизда кекса авлод вакиллари-га бўлган ҳурмат-эътибор муҳим вазифаларимиздан бирига айланиб бормоқда. Бугунги кунда 9-май — Хотира ва Қадрлаш

куни муносабати билан вилоятимиз шаҳар ва туманларида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини эъзозлаш тадбирлари давом этмоқда.

Бу санага бағишланган материалларни газетанинг 2-3-бетларида ўқийсиз.



«НЕФТЬ ВА ГАЗ» КЎРГАЗМАСИ

Пойтахтдаги «Ўзэкспомарказ» кўргазмалар мажмуида Халқаро «Нефть ва газ» (OGU 2003) кўргазмаси ўз ишини яқунлади.

Еттинчи маротаба ўтказилган бу анъанавий кўргазмада Германия, Буюк Британия, Франция, АҚШ, Польша, Саудия Арабистони, Хитой, Ўзбекистон, Россия, Украина, Қозоғистон ва бошқа мамлакатларнинг 70 дан зиёд компаниялари ўз экспозициялари билан иштирок этдилар. Қатнашчилар орасида Shell, ENIsra, Lukoil, UralAz, Sercel, Inputoutput,

Uzbek Ltd (UK), Honeywell, «Ўзбекнефтегаз» ва бошқа дунёга таниқли нефть-газ компания ва фирмаларининг вакиллари бор эди. Нефть ва газ тармоғи учун қўллаб-қувватлаш ишлаб чиқарувчи бир гуруҳ корхоналар маҳсулотлари, шунингдек, Ўзбекистон миллий бурчаги кўпчиликтида катта қизиқиш уйғотди.

Хурида НАЗАРОВА.

Эртага Ғафур Фулом таваллудига 100 йил тўлади



«БУ САНЪАТ — КЎНГИЛ ЭРМАГИ ЭМАС»

Девордаги дуторнинг ёнидан пашша ўтса билнингидек, шоирнинг ҳам қалби сезгир бўлиши керак.

6-бетда ўқинг.

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

чиқаришда ўсиш 101,0 фоизни, истеъмол моллари ишлаб чиқариш 104,7 фоизни, пулли хизматлар кўрсатишда 106,1 фоизни, ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришда 105,3 фоизни ташкил этди. Ташқи савдода ҳам натижалар ижобий. 21,1 миллион АҚШ доллари микдорида ижобий сальдога эришилди. Бунда экспорт маҳсулотларининг ўсиши 113,0 фоизга тенг бўлди.

Шунингдек, белгиланган дастурларга мувофиқ хусусийлаштириш, корхоналарни таркибий ўзгартириш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, қишлоқда бозор муносабатларини янада такомиллаштириш, қишлоқ хўжалик корхоналарини молиявий соғломлаштириш юзасидан ҳам изчил ишланмоқда. Хусусан, йилнинг ўтган даврида паст рентабелли ва истiqболсиз қишлоқ хўжалиги корхоналари негизда 211 та фермер хўжаликлари ташкил этилди. Уларга хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар яратилди. Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурида белгиланган лойиҳалар бўйича ишлар давом этмоқда. Шунингдек, ижтимоий соҳани ривожлантириш, тармоқда ислохотларни чуқурлаштириш, айниқса, «Обод маҳалла йили» дастури асосида аҳоли турмуш шароитларини яхшилашга қаратилган бошқа қатор тадбирлар ҳам ўзининг ижросини топмоқда.

Биз юқорида тилга олган ижобий ишларнинг ҳар бирига тааллуқли кўплаб рақамларни келтириш мумкин. Лекин йиғилиш раиси масалага бошқача, танқидий кўз билан қарашни, эришилган ютуқлар ва ижобий натижаларни янада мустаҳкамлаш йўлидан бориш зарурлигини таъкидлади. Бунда асосий эътибор биринчи навбатда фойдаланилмаётган ички имкониятларни ишга солишга, йўл кўйилаётган камчилик ва нуқсонларни бартараф этишга, му-

(Давоми. Боши 1-бетда).

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ёшларни ҳарбий ва танпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг онг-шувурига миллий истиклол ғояларига садоқат, она Ватанга муҳаббат туйғусини синғдириш мақсадида «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақаларини ўтказди.

Балли, шунқорлар!

Тадбир Мудофаа, Ички ишлар, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Ўзтелеферадиокомпания, Мудофаага қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда.

Мусобақанинг дастлабки босқичлари кўтаринки руҳда ўтди. Унда уч юз минг нафарга яқин ўқувчи ва талаба иштирок этди.

Чирчиқ олий танк қўмондон-муҳандислик билим юртида бўлиб ўтган мусобақанинг финал босқичида барча вилоятлардан 14 ғолиб жамоа куч си-нашди. Сурхондарё вилояти

аммоларнинг мақбул ечимини топишга қаратилиши зарурлиги айтилди.

Бу бежиз эмас. Чунки, айрим шаҳар ва туманларда иқтисодий-ишлов қилишнинг устувор йўналишлари ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш суръатлари тўлиқ таъминланма-япти. Масалан, 2003 йилнинг биринчи чорагида Янгийўл, Ангрен, Олмалиқ шаҳарларида, Бўстонлик, Пскент, Ўртачирчиқ туманларида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг пасайишига йўл қўйилди. Ангрен, Янгийўл шаҳарлари, Бўстонлик, Янгийўл туманларида эса истеъмол моллари ишлаб чиқариш режалари 79,6-90,2 фоизда қолиб кетди.

Вилоятда ижобий натижага эришилган бир пайтда Ангрен, Бекобод, Янгийўл шаҳарлари, Оҳангарон, Юқоричирчиқ, Зангиота, Бекобод, Бўка туманларида чакана савдо ҳажмини 2002 йилнинг биринчи чораги-га нисбатан сезиларли кама-йишига йўл қўйилди. Бу шаҳар ва туманларнинг аксариятида пулли хизмат кўрсатиш ҳажми ҳам пасайди.

Шаҳар ва туманларда қурилиш, коммунал хизмат кўрсатиш, бу соҳадаги ислохотларни чуқурлаштириш, корхона, ташкилотлар, аҳолининг коммунал хизматлардан қарзларини камайтириш устида ҳам жиддий ишланма-япти. Бунга жойлардаги ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ишларнинг етарли даражада олиб борилмаётганлиги ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда. Ишлаб чиқарувчилар билан хизмат кўрсатувчи корхоналар, тайёрлов ташкилотлари ўртасида тузилган шартномаларнинг бажарилиши, уларнинг қонунийлиги масалалари ҳам гоётада долзарб вазифа эканлиги қайд этилди. Афсуски, бу борада, айниқса, қишлоқ хўжалигидаги оилавий пулратчилар ё хўжаликлар ўртасида тузилган шартномаларни юритишда му-

айян камчиликлар мавжуд.

Фаоллар йиғилишида Республика Президентининг Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги «Ислохотлар стратегияси — мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришди» деб номланган маърузасида белгилаб берилган вазифаларнинг жойлардаги ижроси билан боғлиқ масала ҳам алоҳида кўриб чиқилди ва ҳокимликлар, бошқармалар, мутасадди ташкилотлар раҳбарларининг фаолиятига муносиб баҳо берилди. Жумладан, Ангрен шаҳрида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва ислохотлар борасида олиб борилаётган ишлар қониқарсиз деб топилди. Бу борада сусткашликка йўл қўяётган вилоят бошқармалари, хусусан, саноат, истеъмол моллари ишлаб чиқариш пасайиб кетган юқоридаги шаҳар ва туманлар ҳокимлари фаолиятидаги тегишли номутаносибликлар кўрсатиб ўтилди.

Йиғилишда, шунингдек, биринчи чорак якунлари ана шундай чуқур ва атрафли таҳлил этилиши билан бирга келгусидаги асосий вазифалар ҳам белгилаб олинди. Капитал қурилиш, коммунал тизимдаги ислохотларни давом эттириш, академик лицей ва касб-хунар коллежларининг сифатли, тўлиқ жиҳозлар билан фойдаланишга топширилишини таъминлаш, истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, ана шулар ҳисобига ички бозоримизни мамлакатимизда ишлаб чиқарилган сифатли истеъмол моллари билан тўлдириш чора-тадбирларини кўриш, товар айланмаси ҳажмини ошириш, саноатда маҳаллийлаштириш дастури ижросини таъминлаш, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, соҳада ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларнинг мустақиллигини кенгайтириш, белгиланган шартномаларнинг бажарилишини назорат остига олиш, ҳисоб-китоблар механизмининг янада такомиллаштириш сингари энг долзарб масалалар юзасидан тегишли ҳокимлик, идора ва бошқармалар зиммасига аниқ вазифалар юкланди ҳамда йиғилишнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Фаоллар йиғилишида Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари Козим Тўлаганов иштирок этди.

«ҲАМДЎСТЛИК» КЕЧАЛАРИ

Тошкент вилоят ҳокимлигида «Индонезия маданияти ва ўрф-одатлари» мавзусида кеча бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокимлиги қошидаги «Ҳамдўстлик» аёллар клуби ва Индонезиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси вакиллари иштирок этди.

Таъкидлаш жоизки, клубда тез-тез қизиқарли кечалар ўтказилиб турилади. Яқинда Россия элчихонаси томонидан машҳур моделчи Наталя Ялишевнинг ишлари намойиши ўтказилди. Шуниси қувонарлики, Н. Ялишева ишларида миллий матола-римиз атлас ва бекасамдан фойдаланилган. Индонезияликларнинг либосларида ҳам миллий матола-римиздан фойдаланилган бўлиб, бизнинг шароитга мос, аёллар чиройига чирой қўшади ҳамда миллий матола-римизни дунё юзини кўришга олиб чиқади.

«Туркистон-пресс».

ХОТИРА—



«НУРОНИЙ»НИНГ

лантириш тўғрисида»ги қарори уларни ижтимоий муҳофазалашни кучайтиришда янги муҳим қадам бўлди. Бундай кексаларимиз эндиликда тиббий хизматлардан бепоул фойдаланаётирлар. Бундан ташқари улар учун яна қатор қулайликларни яратиб беришга ҳаракат қилаёмиз. 103 нафар уруш қатнашчисига ногиронлар аравачалари берилди.

Вилоятда 271 минг пенсионер бўлса, улар ўз пенсияларини вақтида олишларини на-

(Давоми. Боши 1-бетда).

зорат қилиш ҳам жамғарма зиммасига юклатилган. Бу масъулиятни янада кучайтиради. Ўтган йилдан шу кунга қадар қарияларни қўллаб-қувватлаш мақсадида қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, вилоятдаги даволаниш санаторийларига 974 нафар кексалар юборилди. Шунингдек, 76 нафар қарияларга эшитиш мосламалари берилди. 467 нафар фахрийга қўлтқтаёқлар тарқатилган бўлса, 346 нафар кекса қўл-оёқ протезлари билан таъминланди.

Кексаларни моддий қўллаб-

ҲЕЧ КИМ ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ

Қуйичирчиқ туманида байрам арафасида кексаларга 6 миллион сўмлик совға улашилди

Қуйичирчиқ туманида бу йил Хотира ва Қадрлаш кунига алоҳида тайёргарлик кўрилди. Туман равақига муносиб улуш қўшган марҳумлар ва уруш қурбонлари хотирасини ёдга олиш, уруш қатнашчилари ва байналмилал жангчилар хизматини қадрлаш махсус дастуридан ўрин олган тантанали тадбирлар барвақт бошланиб, жойларда навбатма-навбат давом эттирилмоқда.

Жумладан, 8 май куни «Қўрғонча» қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежи ва 16-касб-хунар мактабида байрам тантаналари бўлиб ўтди. Шу куни беистисно барча хўжаликларда уруш қатнашчилари ва байналмилал жангчилар байрам дастурхонига таклиф этилиб, уларга совға-саломлар топширилди.

Айниқса, Мингчинор қўрғони марказида ташкил этилган байрам тадбири кўтаринки руҳда ўтди. Бу ерда савдо хизмати кўрсатиш янги мажмуи ва авто-

бекатнинг очилиши байрам тантаналарига уланиб кетди. Шу ҳудудда истиқомат қилаётган 31 нафар уруш қатнашчиси ва байналмилал жангчилар дастурхон тўридан жой олдилар. Уларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатилиб, ҳимий ташкилотларнинг байрам совғалари тақдим этилди.

Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган асосий маросим бугун туман ҳокимияти қаршисида барпо этилган «Мотамсаро она» хиёбонида ўтказилди.

— Бугунги кунда туманимизда 161 нафар уруш қатнашчиси ва байналмилал жангчи истиқомат қилади, — дейди туман ҳокимининг муовини Назокат Анорқулова. — Аммо, улардан 150 нафари бугунги байрам тантаналарида бевосита иштирок эта олади. Анча кексайиб қолган 11 нафар фахрийларимизнинг хонадонларига бориб, байрам билан қутлаб, қўнгилларини кўтарамиз.

Самад ЙЎЛДОШ.

БИР ПИЁЛА ЧОЙ БАҲОНА

Янгийўл шаҳрида Хотира ва Қадрлаш кунини нишонлашга катта ҳозирлик кўрилди. Маҳаллаларда, ташкилотлар ва ўқув юртларида мазкур санага бағишланган тадбирлар, учрашувлар ва давра суҳбатлари ўтказилаяпти.

Фахрийларнинг бир гуруҳи Ўзбекистон халқ демократик партиясининг шаҳар кенгашида шарафланди. Алишер Навоий номли маданият ва истироҳат боғида уруш ва меҳнат фахрийлари, нуроний ота-

хон ва онахонлар бир пиёла чойга таклиф қилиндилар. Шунингдек, ёлғиз ҳамда кам таъминланган қариялар хонадонларида бўлиб, меҳр-муруват ёрдамлари кўрсатилди.

Зухра ҲАЙДАРОВА.

МУҚАДДАС, ҚАДРЛАШ — ШАРАФ

кувватлашдан ташқари маънавий-маърифий тадбирларни амалга ошириш ҳам кенг йўлга қўйилмоқда. Жумладан, жамғарманинг шаҳар ва туман бўлимларида «Уч авлод» учрашувларини мунтазам ўтказиш анъанага айланиб улгурди.

Мақсад — ёшлар ва кексаларни бир-бирлари билан яқинлаштириш, ёшлар тарбиясида қарияларнинг ўрни алоҳида эканлигини уларга ўқитиришдир.

Шундай ишларни амалга ошириш учун қатор жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилмоқда. Жумладан, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа жамо-

фармаси ташаббуси билан бошланди. Унинг Республика финалида вилоятимиздан Тошкент туманидаги Дўстлик маҳалласи муваффақиятли иштирок этиб, голиб чиқди, ибратли маҳаллалардан бири деб топилди. Бундай тадбирлар ҳақида яна кўп гапларни айтиш мумкин.

Ҳар йили 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни кексаларни ҳам маънавий, ҳам моддий қўллаб-қувватлаш одатий ҳолга айланди. Шаҳар ва туманларда бу борадаги ишлар шу кунларда қизгин давом этапти.

Шаҳар ва туманлардаги иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, фронт ортида хизмат қилганлар ва бошқа қариялар

зиёрат сафарларига Тошкентга олиб келинмоқда. Қисқа муддатда аксарият шаҳар ва туманлардаги кексаларнинг 500дан ортиғи пойтахтдаги Хотира ва Қадрлаш майдони ҳамда Шаҳидлар хотираси майдонини зиёрат қилиб, қатагон қурбонлари музейида ва тарих музейларида бўлиб, мамлакатимизнинг шонли ўтмиши билан танишишди.

6 майдан бошлаб шаҳар ва туман марказларидаги Хотира ва Қадрлаш майдонларида оммавий тадбирлар ўтказила бошланди. Улар 10 майга қадар давом этади. Бундай тадбирларда кекса авлоднинг шавкатли меҳнатлари, элга хизматлари, ҳаётий тажрибалари ёшларга ибрат қилиб кўрсатилмоқда.

Равшан ЁҚУБЖОНОВ.

Шогирд эътирофи

ОТАМДЕК АЗИЗ

— Бутун ҳаётим жамоатчилик орасида ўтди. Эллик йил қишлоқ оқсоқоли бўлдим: Турон қишлоғига 8, Бўка шаҳарчасига — 14, Кўкорол қишлоғига 20 йил оқсоқоллик қилдим.

Ҳаётимда Бўка туман ижроия қўмитасига узок йиллар раислик қилган устозим Рихси Қодировнинг ниҳоятда салмоқли таъсири ва ҳиссаси бор. У киши бошчилигида Бўка шаҳарчасида 20 гектарлик боғ ташкил этилди. Обод кўчалар, маъмурий ва уй-жой бинолари лойиҳалаштириб, қурилди.

Шу йиллар мобайнида 17 раҳбар билан ишладим. Фақат Рихси Қодировичгина 25 йил туманимизда ишлаб, бирон кишининг ҳаётига қора доғ бўлиб тушади-ган из қолдирмади. У кўпроқ атирофдагиларнинг фикри, мулоҳазасини эшитар, ҳар қандай оғир вазиятларда ҳам масалаларга оқилона ечим топа оларди.

Рихси Қодировнинг ташаббуси билан ҳозирги Бўка шаҳри марказидаги тепаликни ободонлаштиришга киришилган пайтлар эди. Уруш қатнашчилари хотирасига ёдгорлик лойиҳаси ишлаб чиқилган, у барпо этилиб, 9 май куни очилиши керак эди. Эсимда, тун бўйи мижжа қоқмасдан тайёргарлик кўрдик. Ёдгорликнинг очилиш маросими-га кўп меҳмон келиши кутилмоқда эди. Тонг маҳали пастдаги ишларни яна бир бор қайта текшириб кўриб, юқорига чиқдим. Тепада туманнинг биринчи раҳбари билан Рихси Қодиров туришган экан.

Менга кўзи тушди-ю, раҳбар бақира кетди. Иллаганим шу бўлди:

— Қаерларда юрибсан?

Мен баъзи тайёргарлик ишларини кўздан кечириб келаётганимни айтмоқчи бўлиб, гап бошладим:

— Пастда...

Аммо, у гапиртиргани қўймади, ҳақоратлай кетди:

— Сен одам эмассан! — деди бақирув-чақирув пиروвардида.

— Сен ҳам! — дея унга тик боқиб юра бошладим.

Рихси Қодирович менга шундай бир қараб қўйдики, бами-соли бутун вужудимда кўтарилиб келаётган оловга устма-уст сув сепилгандек бўлди. Тилимнинг учиди гап ўша жойида қолди, қизиб бораётган аъзои баданимга муздек шабада ором бериб ўтгандек бўлди, энгил тортидмда, жаҳл билан раҳбарга рўпара бораётган жойимда тўхтаб, ўзимни четроққа олдим.

Рихси Қодирович аҳолининг турмуши, тирикчилик даражасини ипидан-игнасиғача суриштирарди. Оқсоқолларни, гоҳи ҳўжалик раҳбарларини олиб, муҳтож-роқ хонадонларга кирар, уй-жойининг аҳолини, тирикчилигини кўриб, дарҳол ёрдам кўрсатишга тутинарди. Уй эгалари билан ўтириб, бафуржа суҳбатлашар, бир пиёла чой ичиб, яна қандай эҳтиёжлари борлиги билан қизиқарди. Кўнглингизни тўқ қилинг, ёрдам берамиз, деб руҳиятларини кўтариб чиқиб кетар, кейин ўша хонадонларга шиферми, гиштми, озиқ-овқат, кийим-бошми, ажратиб берилишини охиригача кузатиб турарди. Кўпинча раисларга:

— Бир-икки хонадонга кирдим, — дерди койинган бўлиб. — Сен хабар олмабсан, кўрмабсан. Ҳозироқ гуруч, мой етказасан. Оқсоқол менга эртага ахборотини беради, — деб тайинларди жўнаб кетаётганида.

Ҳар бир қарич ер майдони ҳисобда турган кезлари бу ажойиб инсон Бўка тепалиги биқинидан 20 гектар майдонни мазористон учун ажратиб бериш масаласини кун тартибига қўйди. Бундай гаплар у пайтлари кўп раҳбарларнинг бошига етганини биламиз, эслаймиз. Лекин, Рихси Қодировичнинг қатъий иродаси, кескин фикри голиб чиқди.

Мен қишлоқ ва кўрғонларга оқсоқоллик қилган йилларда Рихси Қодировичдан отам қила олмайдиган яхшиликларни кўрдим. У кишининг шогирдларига меҳр-оқибати, ҳурмат-эътибори шунчалик эдики, ҳамиша бизларга тушувчи зарбани ўзига олар, бизларни ардоқлаб сақлар, ўсиб-унишимизни, келажагимизни ўйларди. Менинг ўзимни турли чакувлар, ёз-ёзлар сабаб бўлиб, туманнинг биринчи раҳбарлари 17 марта ишдан олишди. Бироқ, Рихси Қодирович ҳамиша ўзини қалқон қилиб, мени ҳимоя қилар, ҳар қандай вазиятда масала нотўғри ҳал қилинаётганлигини исботлар, асосларди.

Аслида, шундай одамлар борлиги учун ҳам, шу ёруғ кунларга етиб келдим.

Азим АЗИЗОВ

Бўка шаҳридаги Янги ҳаёт маҳалласи фахрийлари марказининг раҳбари, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими.

НУРОНИЙЛАРИ

атчилик ташкилотларининг вакиллари билан биргаликда амалга ошираётган маънавий-маърифий тадбирларимиз ўз самараларини бераёттир.

Хусусан, «Энг обод маҳалла» кўрик-танловида жамғарма «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини тарғиб қилишда энг фаол қатнашган маҳалла оқсоқоли» номинацияси бўйича иштирок этаёттир. Яқинда яқунланган «Оталар чойхонаси, кексаларни эъзозлашда энг намунали маҳалла» танлови ҳам «Нуроний» жам-



Ёднома

ҚАЛБИМИЗДАСАН, ЎҒЛОН!

маси милиция таянч пунктларининг нозир вазифаларида хизмат қилди.

Маҳмуджон 2002 йил 2 апрель куни тунги соат 21.35 ларда Олмалиқ шаҳридаги «Намуна» чойхонаси олдида Металлурглр кўчасида яшовчи А. Ҳамроев билан суҳбатлашиб турганди. Шу пайт икки номаълум шахс унда шубҳа уйғотди. Қорамол етаклаб кетаётган бу кишиларни тўхтатиб, ҳужжатларини текширмоқчи бўлганида улар қочиб кетишди. Шубҳали шахслар кетидан қувиб, етиб олишганида улар кўққисдан ўткир тигли жисм билан қаршилик кўрсатишди. Шунда А. Ҳамроев чап қўлининг билак қисмидан жароҳатланди. Милиция капитани М. Абдуллаев эса...

Қотиллар зобитнинг қорин қисмига оғир жароҳат етказиб, жиноят содир этилган жойдан

жуфтакни ростлаб қолгандилар. Кўрилган тезкор чора-тадбирлар натижасида жиноятчилар тезда қўлга олинди.

Милиция капитани Маҳмуджон Абдуллаевнинг Олмалиқ ва Пскент туманида жамоат тартибини сақлашга, жиноятчиликка қарши курашишда ҳамда фуқаролар ҳавфсизлигини таъминлашда кўрсатилган мардона хизматлари — Президентимиз томонидан мустақиллигимизнинг 11 йиллиги арафасида «Жасорат» медали билан тақдирланди.

Шерали АНВАРОВ,

Тошкент вилояти Ички

ишлар бошқармаси

матбуот маркази ходими,

милиция катта

лейтенанти.



Айрим инсонлар бўладики, ўз умрларини, ҳаётларини жамият тинчлик-осойишталигини таъминлашга бахшида этадилар.

Рисбой ота ва Роҳатой ая ўғиллари Маҳмуджон ҳам ана шундай инсонлар сирасига киради.

У Пскент тумани ички ишлар бўлимида профилактика бўлинимасининг балоғатга етмаганлар иши бўйича нозир, милиция ҳудудий нозир ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлин-

МЕН БАХТЛИМАН

Ҳар тонг яратганга шукрона айтаман. Чунки, тинч, осуда юртда умргузаронлик қилаяпмиз.

Ўн тўрт йилдан ортиқ ўзга юртларда сарсон-саргардонлик аламини тортганлигим боис ҳам, ватандошларимга бўлган туйғулар ўзгача.

1939 йилда ҳарбий хизматга кетган бўлсам, шу бўйи 1949 йилда оилам, Ватаним бағрига қайтдим. Ўтган йилларда бошдан кечирган азобу ўқубатларни ҳеч ким, айниқса, ёшлар асло кўрмасин. Шунинг учун ҳам ҳарбий хизматдан қайтгач, ёшларни Ватанга, халққа садоқат руҳида тарбиялаш мақсадида ўқитувчилик касбини танладим. Қарийб ўттиз йил ана шу мақсад йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилдим. Ҳозир 86 ёшни қаршиладим. Йигирма йилдики, фарзандларим, шогирдларимнинг бахти-саодатидан, муваффақиятларидан масрурман.

Мўмин ЖАЛИЛОВ,

уруш қатнашчиси, Ўртачирчиқ тумани.

УЧ АВЛОД УЧРАШУВЛАРИ

Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан Оҳангарон шаҳридаги умумтаълим мактабларида уч авлод учрашувлари бўлиб ўтмоқда.

«Нуроний» жамғармаси туман бўлими ташаббуси билан ўтказилаётган ушбу тадбирларда оҳангаронлик иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, меҳнат фахрийлари билан ёшлар юракдан суҳбат қуришмоқда. Фахрийлар ўз хотиралари ва ҳаётий тажрибаларини ёшларга сўзлаб бермоқдалар.

Ҳозиргача ўндан зиёд умумтаълим мактабларида ана шундай учрашувлар бўлиб ўтди.

Ўз мухбиримиз.



СУРАТДА: Рихси Қодиров оила аъзолари даврасида. (1980).

Dushanba 12

«Ўзбекистон» телеканали

Телетомошбинлар диққатига! Профилактика муносабати билан душанба, 12 май кун «Ўзбекистон» телеканали кўрсатувлари соат 15.00 дан бошлаб кўрсатилади.

15.00 «Тахлилнома».

15.45 ТВ клип.

15.55 «Тўртинчи ҳокимият».

16.10 «Камила».

Телесериал.

16.40 Мусикий танаффус.

«Болалар сайёраси»:

16.55 1. «Улғайиш погоналари».

2. «Олтин тож».

Телевизион ўйин.

17.55 ТВ маркет.

18.00 Янгиликлар.

18.10 «Ўзбектеле-фильм» намоиши: «Умид юлдузлари».

18.30 «Сихат-саломат-лик».

18.50 «Тоғларга туташ диёр».

19.10 «Мулкдор».

19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.

19.30 «Ахборот» (рус тилида)

20.00 Оқшом эртакла-ри.

20.15 Биржа ва банк хабарлари.

20.30 «Ахборот».

21.05 2003 йил – Обод маҳалла йили.

«Кўпчилик қаторида».

21.25 ТВ клип.

21.35 «Ўзбекистон» каналида илк маро-таба: «Қиш соната-си».

Телесериал.

22.45 «Спорт, спорт.

спорт».

23.00 «Япония: турмуш тарзи».

Ҳужжатли телесериал премьераси.

23.20 «Ахборот-дайжест».

23.40-23.45 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканали

Профилактика муносабати билан, душанба 12 май кун «Ёшлар» телеканали кўрсатувлари соат 15.00дан бошланади.

15.00 Кўрсатувлар дастури.

15.05 «Давр» ҳафта ичида.

15.35 ТВ-анонс.

15.40 «Рей Брэдбери театри». Сериал.

16.05 Спорт ҳафтано-маси.

16.20 Жаҳон жуғрофи-яси.

17.10 «Янги авлод» студияси: Бахтли

болалик кўшиқлари.

17.25 «Лизюкова кўчасида яшайдиган мушук». Мультфильм.

17.35 ТВ-анонс.

17.40 Ёшлик навола-ри.

17.55 Фарзандим – жигарбандим.

18.10 Ёшлар овози.

18.30 Тафаккур ёлқинлари.

18.45 Олтин мерос.

18.55, 21.55 Иқлим.

19.00 Давр.

19.35 ТВ-анонс.

19.40 Кўҳна оҳанглар.

19.50 Илдиз ва япроқ.

20.10 «Бир ўлкаки...» туркумидан: «Бойсун баҳори».

20.30 Ватан ҳақида кўшиқлар.

20.40, 21.25, 22.35 Эълонлар.

20.45 «Гвадалупе».

Телесериал.

21.30 Қишлоқдаги тенгдошим.

21.50 Олтин мерос.

22.00 Давр.

22.40 ТВ-анонс.

22.45 «Рей Брэдбери театри». Сериал.

23.10 «Ёшлар» телека-налида спорт: Интерфутбол.

Танаффус пайтида - 24.00 Давр.

1.00-1.05 Хайрли тун!.

«Тошкент» телеканали

17.10 Кўрсатувлар тартиби.

17.20 ТТВда сериал.

«Муҳаббат риштаси».

17.55, 19.10, 21.50 «Экспресс» телегазе-таси.

18.15 Болажонлар экрани.

18.30, 20.00, 21.10 «Пойтахт». Ахборот дастури.

18.50 «Халқ саломат-лиги йўлида».

19.30 «Табриклаймиз-кутлаймиз».

19.45 «Авто-news».

20.25 ТТВда сериал.

«Мафтункор аёл».

21.30 «Хусусийлашти-риш: кадам-бақа-дам».

22.10 «Пойтахт шарҳи».

22.40 Кинонигоҳ.

«Бахтли воқеа».

00.10-00.15 Хайрли тун, шаҳрим.

«Халқаро» телеканали

Биринчи канал. 6.30-8.00

16.30 Кўрсатувлар тартиби.

16.35 «Вести».

16.50 «Христофор Колумб». Мульт-фильм.

17.20 «Евроњьюс» янгиликлари.

17.30 «Ҳазиналар ороли». Ҳужжатли фильм.

18.00 «Мени кутгил».

19.00 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеўйин.

20.00 «Время».

20.35 «Бизнес ревью».

20.40 CFI такдим этади: «Асрнинг буюк инсонлари».

21.30 «Ахмоғинг йўқ». Бадий фильм.

23.15 «Ахборот» (рус тилида)

23.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

16.55 гача профилактика ишлари.

16.55 Дастурнинг очилиши. 17.00 «Маърифий дастур». 17.40, 20.45 «Телехамкор».

18.00 «30-канал» кино-оқшоми: «Сан-Тропе-лик жандарм». 19.30 «Ошиқона» мусикий дастури. 19.45 «Қонун номидан». Сериал.

21.05 «Клип-совға». Телетабрикнома. 21.20 «Хайрли тун, кичкин-тойлар!». 21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Кинорежиссёр». 23.15 «30-канал»да спорт.

Seshanba 13

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».

8.00-8.35 «Ахборот».

8.35 ТВ маркет.

8.40 Газеталар шарҳи.

9.00 «Камалак».

Болалар учун кинодастур.

10.00, 12.00, 14.00 , 18.00 Янгиликлар.

10.05 «Мулкдор».

10.20 «Кичкина малика». Бадий фильм.

11.45 Мусикий танаффус.

12.05 «Кўпчилик қаторида».

12.25 Эстрада тароналари.

12.45 «Қиш соната-си». Телесериал.

13.55, 14.35 ТВ анонс.

14.10 «Бунӣ умр дерлар».

14.40 «Чип ва Дэйл ёрдамга ошиқади».

Мультфильм.

15.20 ТВ клип.

«Болалар сайёраси»:

15.30 1. «Чек».

Теленовелла.

2. «Санъат гунчала-ри».

16.30 «Ўзбектеле-фильм» намоиши: «Озод юртнинг умид юлдузлари».

17.00 «Ватанимга хизмат қиламан».

18.10 «Баркамол авлод орузси».

18.30 «Репортаж».

18.35 Бир жуфт кўшиқ.

18.45 «Тафсилот».

19.00 «Ўқинч». Ҳуж-жатли фильм.

19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.

19.30 «Ахборот» (рус тилида)

20.00 Оқшом эртакла-ри.

20.15 FCN «Ўзбекис-тон янгиликлари» (инглиз тилида)

20.30 «Ахборот».

21.05 Бевосита

мулоқот.

21.50 «Ўзбекистон» каналида илк маро-таба: «Қиш соната-си». Телесериал.

23.00 «Кўшиғимиз Сизга армуғон».

23.20 «Ахборот-дайжест».

23.40-23.45 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканали

8.55 Кўрсатувлар дастури.

9.00 Давр.

9.15 «Давр»– репор-таж.

9.25 «Янги авлод» студияси: Катта танаффус.

9.50 Саломатлик сирлари.

10.10 «Ииртқиқлар».

Ҳужжатли фильм.

11.00 Кинотакдим.

11.20 «Гвадалупе».

Телесериал.

12.00 Ёшлар овози.

12.20 «Умид ниҳолла-ри» («Ўзбектеле-фильм»)

12.50 Интерфутбол.

14.30 Мутулаа.

14.45 «Рей Брэдбери театри». Сериал.

15.10 Болалар экрани: «Мульттомоша».

15.25 Қишлоқдаги тенгдошим.

15.45 Илдиз ва япроқ.

16.05 «Бу менинг Ватаним». Видео-фильм (Наманган)

16.40 Кўрсатувлар дастури.

16.45 «Янги авлод» студияси: Ҳамма нарсани билишни истайман.

17.05 ТВ-анонс.

17.10 Таянч.

17.30 Ёшлар овози.

17.50 «Ёшлар» телека-налида премьераси: «Япониянинг боқий маданияти». Илмий–оммабоп сериал 1-қисм.

18.10 Минг бир маслаҳат.

18.30 Автопатрул.

18.50 Олтин мерос.

18.55, 21.55 Иқлим.

19.00 Давр.

19.35 «Давр»-интер-вью.

19.50 ТВ-анонс.

19.55 «Эраимиздан аввалги дунё».

Маърифий фильм 4-қисм.

20.20 Ўзимизники.

20.40, 21.25, 22.35

Эълонлар.

20.45 «Гвадалупе».

Телесериал.

21.30 «Овчи». Видео-фильм.

21.50 Олтин мерос.

22.00 Давр.

22.40 ТВ-анонс.

22.45 «Рей Брэдбери театри». Сериал.

23.10 «Ёшлар» телека-налида спорт дасту-ри: 1.Нокаут, 2.Тен-нис.

0.10 Давр.

0.25-0.30 Хайрли тун!

«Тошкент» телеканали

17.10 Кўрсатувлар тартиби.

17.20 «ТТВда сериал.

«Муҳаббат риштаси».

17.55, 19.10, 22.00 «Экспресс» телегазе-таси.

18.15 Болажонлар экрани.

18.30, 20.00, 21.10, 22.20 «Пойтахт» ахборот дастури.

18.50 «Спорт ва болалар».

19.30 «Табриклаймиз-кутлаймиз».

19.45 «Ҳимоя».

20.25 ТТВда сериал.

«Мафтункор аёл».

21.30 «Туризм ҳақида».

22.45 Кинонигоҳ.

«Анойи».

00.05-00.10 Хайрли тун, шаҳрим!

«Халқаро» телеканали

Биринчи канал. 6.30-8.00

16.30 Кўрсатувлар тартиби.

16.35 «Вести».

16.50 «Мультсеанс».

17.10 «Евроњьюс» янгиликлари.

17.25 «Ҳазил кетидан ҳазил».

18.00 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.

19.00 «Валерия иштирокидаги концерт дастури».

20.00 «Время».

20.40 «Бизнес ревью».

20.45 «Хроника».

20.55 FCN «Ўзбекис-тон янгиликлари» (инглиз тилида)

21.05 «Ассалом, Франция!».

21.20 «Саргузашт изловчилар». Бадий фильм.

22.55 «Ахборот» (рус тилида)

23.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.30, 20.45 «Телехамкор».

9.30, 14.10 Болалар соати. 10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки кучли рейнджерлар» Сериал.

10.40 «Жанговар санъат олами». 11.10 «Тез ёрдам». Сериал.

12.00 «Америкалик киз». Мелодрама.

13.30 «У қотилликни баён этди». Телесери-ал. 15.00 Телешоу.

16.00 «30»да спорт.

16.50 «Дискавери соа-ти». 18.00 «30-ка-нал» кинооқшоми: «Жасур ғиена». 19.30 «Ошиқона». Мусикий дастур. 19.45 «Қонун номидан». Сериал.

21.05 «Клип-совға». Телетабрикнома. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 «30-канал» кинооқшо-ми: «Дельта-3». 23.15 «Рестлинг титанлари».

Chorshanba 14

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».

8.00-8.35 «Ахборот».

8.35, 17.55 ТВ маркет.

8.40 Газеталар шарҳи.

9.00 «Кўҳна замин оҳанглари».

9.20 «Қўрқоқ беге-мот». Мультфильм.

9.40 «Рангин дунё».

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.

10.05 «Тафсилот».

10.20 «Самодаги пойғалар». Бадий фильм. 1-қисм.

11.55, 13.55 ТВ анонс.

12.05 «Қалб гавҳари».

12.25 «Талабалик йилларим».

12.45 «Қиш соната-си». Телесериал.

14.10 «Остонаси тиллодан».

14.35 Кундузги сеанс: «Тақдири

азал». Бадий фильм.

15.40 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».

16.00 Дуторчилар ансамблининг янги дастури.

16.25 «Ягона оилада».

«Болалар сайёраси»:

16.55 1. «Юғраимиз-чопамиз».

2. «Болалар ва катталар».

18.10 «Истеъмолчи».

18.30 «Умид». Телело-терея.

18.55 Мумтоз наво-лар.

19.05 «Бу қадим йўллар».

19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.

19.30 «Ахборот» (рус тилида)

20.00 Оқшом эртакла-ри.

20.15 «Юзма-юз».

20.30 «Ахборот».

21.05 «Тараққиёт уфқлари».

21.25 ТВ клип.

21.35 «Ўзбекистон»

каналида илк маро-таба: «Камила».

Телесериал.

22.05 «Умид ниҳолла-ри». Спорт ўйинлари кундалиги.

22.35 «Дўст кулфатда билинар». Бадий фильм.

23.45 «Ахборот-дайжест».

00.05-00.10 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканали

8.55 Кўрсатувлар дастури.

9.00 Давр.

9.15 «Давр»-интервью.

9.30 ТВ-анонс.

9.35 Уйна, болажон, уйна.

9.50 Минг бир масла-ҳат.

10.10 «Япониянинг боқий маданияти». Илмий– оммабоп сериал 1-қисм.

10.30 Таянч.

10.50 Синфдош.

11.15 «Гвадалупе».

Телесериал.

11.55 Ёшлар овози.

12.15 «Ёшлар» телека-налида спорт дасту-

ри: 1.Нокаут 2. Теннис.

13.15 Ўзимизники.

13.35 «Ақлдан оздира-диган ўйинлар». Сериал.

14.00 «Бир ўлкаки...» туркумидан: «Бойсун баҳори».

14.20 «Рей Брэдбери театри». Сериал.

14.45 Автопатрул.

15.05 «Кэролайн». Бадий фильм.

16.40 ТВ-анонс.

16.45 «Бу менинг Ватаним». Видео-фильм.

17.15 Кўрсатувлар дастури.

17.20 «Янги авлод» студияси: Оқ кабу-тар.

17.40 Кафолат.

18.00 «Япониянинг боқий маданияти». Илмий– оммабоп сериал 2-қисм.

18.20 Ёшлар овози.

18.40 Каталог.

18.50 Олтин мерос.

18.55, 21.55 Иқлим.

19.00 Давр.

19.35 «Зинама– зина». Телеўйин.

20.00 Спорт-лото.

20.10 Кўҳна оҳанглар.

20.15 Жараён.

20.40, 21.25, 22.35 Эълонлар.

20.45 «Гвадалупе».

Телесериал.

21.30 Чемпион сирла-ри.

21.50 Олтин мерос.

22.00 Давр.

22.40 ТВ-анонс.

22.45 «Рей Брэдбери театри». Сериал.

23.10 «Ёшлар» телека-налида спорт: Интерфутбол.

Танаффус пайтида - 24.00 Давр.

1.00-1.05 Хайрли тун!

«Тошкент» телеканали

17.10 Кўрсатувлар тартиби.

17.20 «ТТВда сериал: «Муҳаббат риштаси».

17.55, 19.10, 21.50 «Экспресс» телегазе-таси».

20.15 «Болажонлар экрани».

18.30, 20.00, 21.10, 22.10 «Пойтахт» ахборот дастури.

18.50 «Мусикий меҳмонхона».

19.30 «Табриклаймиз-кутлаймиз».

19.45 «Аёл қалби».

20.25 ТТВда сериал.

«Мафтункор аёл».

21.30 «Ҳамшаҳарлар».

22.35 Кинонигоҳ.

«Муҳаббат кунлари».

00.15-00.20 Хайрли тун, шаҳрим.

«Халқаро» телеканали

Биринчи канал. 6.30-8.00

16.30 Кўрсатувлар тартиби.

16.35 «Вести».

16.50 «Флоренс Найтингел». Мульт-фильм.

17.15 «Евроњьюс» янгиликлари.

17.25 К. Петросяннинг Кулгу панорамаси.

18.00 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.

19.00 «Заиф бўгин».

20.00 «Время».

20.40 «Қумуш тўй». Бадий фильм. 1-қисм.

21.45 «Бизнес-ревью».

21.50 «Жаҳон рақсла-ри».

22.10 «Спорт техноло-гияси».

22.25 «Ҳинд оҳанглари».

22.45 «Ахборот» (рус тилида)

23.15 Илья Резник иштирокидаги концерт дастури.

00.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.30, 20.45 «Телехамкор».

9.30, 14.10 Болалар соати. 10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки кучли рейнджерлар» Сериал.

10.40, 16.00 «30»да спорт. 11.10 «Тез ёрдам». Сериал. 12.00 «Лифтдан чапга». Комедия. 13.30 «У қотилликни баён этди». Телесериал. 15.00 Телешоу. 16.50 «Дискавери соати». 18.00 «30-канал» ки-нооқшоми: «Аждаҳо йўли». 19.30 «Ошиқона». Мусикий дастур. 19.45 «Қонун номи-дан». Сериал. 21.05 «Клип-совға». Теле-табрикнома. 21.20 «Хайрли тун, кичкин-тойлар!». 21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Кондорнинг уч кун».

23.15 Спорт дастури.

Payshanba 15

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон».

8.00-8.35 «Ахборот».

8.35, 17.55 ТВ маркет.

8.40 Газеталар шарҳи.

«Болалар сайёраси»:

9.00 1. «Юғраимиз-чопамиз».

2. «Болалар ва катталар».

10.00 , 12.00, 14.00 Янгиликлар.

10.05 «Баркамол авлод орузси».

10.20 «Самодаги пойғалар». Бадий фильм. 2-қисм.

11.55, 12.20, 13.55 ТВ анонс.

12.05 Мусикий танаф-фус.

12.25 «Қулупнай ёмғири». Мульт-фильм.

12.35 «Тараққиёт

уфқлари».

12.55 «КиноТеатр».

13.15 «Бойсуннинг бир кун».

Видео-фильм.

14.10 «Истеъмолчи».

14.30 «Мухлис ёхуд кўшиқ изидан».

14.50 «Фарзанд – умид юлдузи».

15.15 «Умид ниҳолла-ри». Спорт ўйинлари кундалиги.

15.45 «Камила».

Телесериал.

«Болалар сайёраси»:

16.15 1. «Болаликнинг мовий осмони».

2. «Яшил чирок».

Телемусобақа.

17.15 ТВ клип.

17.25 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпио-нати. «Пахтакор».

«Нефтчи» жамоала-рининг учрашуви.

«Пахтакор». Марка-зий стадионидан олиб кўрсатилади (Танаффус пайтида – Янгиликлар.)

19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.

19.30 «Ахборот» (рус тилида)

20.00 «Оқшом эртак-лари».

20.15 FCN «Ўзбекис-тон янгиликлари» (инглиз тилида)

20.30 «Ахборот».

21.05 Ўзбекистон халқ

артистлари.

21.25 «Ўзбекистон» каналида илк маро-таба: «Камила».

Телесериал.

21.55 «Умид ниҳолла-ри». Спорт ўйинлари кундалиги.

22.25 «Холодильникда биров бор». Бадий фильм.

23.35 «Ахборот-дайжест».

23.55-24.00 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканали

8.55 Кўрсатувлар дастури.

9.00 Давр.

9.15 «Янги авлод» студияси: Оқ кабу-тар.

9.35 Мультфильм.

9.45 ТВ-анонс.

9.50 «Япониянинг боқий маданияти». Илмий– оммабоп сериал 2-қисм.

10.10 Спорт китъаси (рус тилида)

10.40 Чемпион сирлари (рус тили-да)

11.00 Кафолат.

11.20 «Гвадалупе».

Телесериал.

12.00 Ёшлар овози.

12.20 Интерфутбол.

14.00 «Рей Брэдбери театри». Сериал.

14.25 Ҳазина.

14.40 «Биронинг хати». Бадий фильм.

16.05 ТВ-анонс.

16.10 «Бу менинг Ватаним». Видео-фильм.

16.50 Кўрсатувлар дастури.

16.55 «Янги авлод» студияси: Шоҳсупа.

Болалар ташкилоти. 17.35 Оғоҳ.

17.50 «Япониянинг боқий маданияти». Илмий– оммабоп сериал 3-қисм.

18.10 Сийрат.

18.30 Табобат оламида.

18.50 Олтин

мерос.
18.55, 21.55
Иклим.
19.00 «Давр»
19.35 «Давр»-интер-
вью.
19.50 ТВ-анонс.
19.55 «Эраимиздан
аввалги дунё».
Маърифий фильм
5-қисм.
20.20 Ёшлар овози.
20.40, 21.25, 22.35
Эълонлар.
20.45 «Гвадалупе».
Телесериал.
21.30 Бегийм.

21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Рей Брэдбери
театри». Сериал.
23.10 «Ёшлар» теле-
каналида спорт:
Интерфутбол Танаф-
фус пайтида –
24.00 Давр.
1.00-1.05 Хайрли тун!
**«Тошкент»
телеканал**
17.10 Курсатувлар
тартиби.
17.20 ТТВда сериал.

«Мухаббат ристаси».
17.55, 19.10, 22.00
«Экспресс» телега-
зетаси.
18.15 «Навниҳол».
18.30, 20.00, 21.10,
22.20 «Пойтахт».
Ахборот дастури.
18.50 «Бурч ва
масъулият».
19.30 «Табриқлаймиз-
кутлаймиз».
19.45 «Эл хизматида».
20.25 ТТВда сериал.
«Мафтункор аёл».
21.30 «Умр йўлдоши».
22.40 Кинонигоҳ.
«Илҳом париси».
00.05-00.10 Хайрли

тун, шахрим.
**«Халқаро»
телеканал**
Биринчи канал.
6.30-8.00
16.30 Курсатувлар
тартиби.
16.35 «Вести».
16.50 «Мультсеанс».
17.10 «Евроњњњ»
янгиликлари.
17.25 «Биз аноий
эмасмиз». Ҳажвий
курсатув.
18.00 «Ишонч ва
муҳаббат замини».

Сериал.
19.00 «Ҳаҳон рақсла-
ри».
19.15 «Н. Басков».
Ҳужжатли фильм.
19.45 «Тиббиёт
ҳақида».
20.00 «Время».
20.40 «Кумуш тўй» 2-
қисм.
21.45 «Бизнесс ревью».
21.50 «Ишбилармон
кишилар».
22.10 «Юқори техно-
логиялар олами».
22.20 FCN «Ўзбекис-
тон янгиликлари»
(инглиз тилида)

22.30 «Соккер клуб».
22.50 «Ахборот» (рус
тилида)
23.20 «Тунингиз осуда
бўлсин!»
30-канал
9.00 Дастурнинг очи-
лиши. 9.05, 17.30, 20.45
«Телехамкор». 9.30,
14.10 Болалар соати.
10.15 «Пауэр Рейнджерс
ёки кучли рейнджерлар»
Сериал. 10.40, 16.00
«30»да спорт. 11.10
«Тез ёрдам». Сериал.
12.00 «Зангори самолә-
рим». Комедия. 13.30

«У қотилликни баён
этиди». Телесериал.
15.00 Телешоу. 16.50
«Дискавери соати».
18.00 «30-канал» кино-
оқшоми: «Кулранг
бўрилар». 19.30 «Оши-
қона». Мусликий дасту-
р. 19.45 «Конун но-
мидан». Сериал. 21.05
«Клип-совға». Теле-
табриқнома. 21.20
«Хайрли тун, кичкин-
тойлар!». 21.30 «30-ка-
нал» кинооқшоми.
«Фор одами». 23.15
Спорт дастури.

JUMA

16

**«Ўзбекистон»
телеканал**

6.00 «Ассалом,
Ўзбекистон».
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ
мажсет.
8.40 Газеталар
шарҳи.
«Болалар сайёраси»:
9.00 1. «Болаликнинг
моий осмони».
2. «Яшил чироқ».
Телемусобақа.
10.00, 12.00, 14.00,
18.00 Янгиликлар.
10.05 «Ғаройиб тўти
Поли». Бадий
фильм.
11.30 Мусликий
танаффус.
11.40 Болалар учун.
«Фламинго».
12.05 «Озод юрт
одамлари».
12.25, 14.10, 14.55
ТВ анонс.
12.30 «Олам».
Телеальманах.
13.00 «Оталар сўзи –
ақлнинг кўзи».
14.15 «Муслиқа ва

театр».
14.35 «Меҳрибон
тулки». Мультфильм.
15.00 «Умид ниҳолла-
ри». Спорт уйинлари
кундалиги.
15.30 «Хуқуқ сабоқла-
ри».
15.50 «Камила».
Телесериал.
«Болалар сайёраси»:
16.20 1. «Цирк, цирк,
цирк».
2. «Уйла, Изла, Топ!»
Телемусобақа.
17.20 Мумтоз наво-
лар.
17.35 «Ажаб саодат
эрур».
18.10 «Тиббиёт
одимлари».
18.20 «Тафсилот».
18.35 «Иқтидор».
Интеллектуал теле-
уин.
19.05 «Зиё» студияси
намоийш этади:
«Этиқод мустаҳкам-
лиги йўлида».
19.25, 19.55, 20.25,
21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус
тилида)

20.00 «Оқшом эрта-
лари».
20.15 Бир жуфт
кўшиқ.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Муносабат».
21.30 ТВ клип.
21.40 «Ўзбекистон»
каналида илк маро-
таба: «Камила».
Телесериал.
22.10 «Умид ниҳолла-
ри». Спорт уйинлари
кундалиги.
22.50 «Бойсун баҳо-
ри». Халқаро фольк-
лор фестивали.
23.50 «Ахборот-
дайджест».
00.10-00.15 Ватан
тимсоллари.

**«Ёшлар»
телеканал**

8.55 Курсатувлар
дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Давр» – интер-
вью.
9.30 «Янги авлод»
студияси: Шоҳсупа,
Болалар ташкилот.
10.10 «Япониянинг
боқий маданияти».
Илмий-оммабоп
сериал 4-қисм.
10.30 Фарзандим –
жигарбандим.

10.45 Ҳаҳон жуғрофи-
яси.
11.35 ТВ-анонс.
11.40 «Гвадалупе».
Телесериал.
12.20 Ёшлар овози.
12.40 Интерфутбол.
14.20 «Ақлдан оздира-
диган уйинлар».
Сериал.
14.45 Бегийм.
15.05 «Рей Брэдбери
театри». Сериал.
15.30 Сийрат.
15.50 «Учинчи сайёра»
маърифий дастури.
16.40 Курсатувлар
дастури.
16.45 «Янги авлод»
студияси: У ким?, Бу
нима?, Шум бола-
лар.
17.25 «Мульттомоша».
17.40 Дунё ажойибот-
лари.
18.00 ТВ-анонс.
18.05 «Япониянинг
боқий маданияти».
Илмий-оммабоп
сериал 4-қисм.
18.25 Аскар мактубла-
ри.
18.45 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 «Давр» нигоҳи.
19.55 Азизим.
20.40, 21.25, 22.35
Эълонлар.
20.45 «Гвадалупе».

Телесериал.
21.30 Кишлоқдаги
тенгдошим.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс ва
тунги тароналар.
22.50 «Рей Брэдбери
театри». Сериал.
23.15 «Ёшлар» телека-
налида спорт дасту-
ри: 1. Ринг қиролла-
ри. 2. Футбол плюс.
0.35 Давр.
0.50-0.55 Хайрли тун!

**«Тошкент»
телеканал**

17.10 Курсатувлар
тартиби.
17.20 ТТВда сериал.
«Мухаббат ристаси».
17.55, 19.05, 22.20
«Экспресс» телегазе-
таси.
18.15 «Болажонлар
экрани».
18.30, 20.00, 21.10,
22.40 «Пойтахт»
ахборот дастури.
18.50 «Ўзбегим
навоси».
19.25 «Билим» теле-
клуби.
19.45 «Табриқлаймиз-
кутлаймиз».
20.25 ТТВда сериал.
«Мафтункор аёл».

21.30 «Дорихона
эшитди». Бевосита
мулоқот.
23.05 Кинонигоҳ.
«Алвастии тоғ томон
чекиниш».
00.35-00.40 Хайрли
тун, шахрим.

**«Халқаро»
телеканал**

Биринчи канал.
6.30-8.00
16.30 Курсатувлар
тартиби.
16.35 «Вести».
16.50 «Мультсеанс».
17.10 «Евроњњњ»
янгиликлари.
17.25 Ҳужжатли
фильм.
18.00 «Ишонч ва
муҳаббат замини».
Сериал.
18.50 «Муъжизалар
майдони».
20.00 «Время».
20.35 «Бизнесс ревью».
20.40 «Дурдаршан».
21.10 «Услуб».
21.25 «Хит парад».
21.45 «Тунги навбат-
чилик».
22.00 «Юлдуз билан
учрашув».
22.15 «Яшаш восита-
си».
22.30 «Ахборот» (рус

тилида)
23.00 «Қайсарнинг
куюлиши». Бадий
фильм.
00.30 «Тунингиз
осуда бўлсин!»

30-канал

9.00 Дастурнинг очи-
лиши. 9.05, 17.30,
20.45 «Телехамкор».
9.30, 14.10 Болалар
соати. 10.15 «Пауэр
Рейнджерс ёки кучли
рейнджерлар» Сериал.
10.40 «Маърифий
дастур». 11.10 «Тез
ёрдам». Сериал. 12.00
«Сохибжамоллар». Ко-
медия. 13.30 «У
қотилликни баён
этиди». Телесериал.
15.00 Телешоу. 16.00
«30»да спорт. 16.50
«Дискавери соати».
18.00 «30-канал»да
ринг қироллари. 18.50
Юмор дастури. 19.30
«Ошиқона». Мусликий
дастур. 19.45 «Рус
амазонкалари». Сери-
ал. 21.05 «Клип-сов-
ға». Телетабриқнома.
21.20 «Хайрли тун,
кичкинойлар!». 21.30
«30-канал» кинооқшо-
ми: «Комодо – қўрқув
ороти». 23.15 Спорт
дастури.

SHANBA

17

**«Ўзбекистон»
телеканал**

6.00 «Ассалом,
Ўзбекистон».
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар
шарҳи.
«Болалар сайёраси»:
9.00 1. «Цирк, цирк».
цирк».
2. «Уйла, Изла, Топ!»
Телемусобақа.
10.00 «Зиё» студияси
намоийш этади:
«Этиқод мустаҳ-
камлиги йўлида».
10.20 «Бу турфа
олам».
11.10 «Бойсун
баҳори». Халқаро
фольклор фестива-
ли.
12.10 «Қирол Шер».
Мультфильм. 2-
қисм.
13.30 «Санъатга
баҳишда умр».
13.50 ТВ-1 кинотеат-
ри: «Бўронлар
ҳўқмдори». Бадий
фильм.
15.20 ТВ анонс.

15.25 «Умид ниҳолла-
ри». Спорт уйинлари
кундалиги.
16.05 «Адабий жара-
ён».
16.25 «Ягона оилада».
16.55 «Чорраҳа».
17.15 Болалар учун.
«Фламинго».
17.35 «Куйла, ёшли-
гим».
17.55 «Рангин дунё».
18.15 «Ўзбеккино»
такдим этади:
«Тандир».
18.25 «Кишлоқ ҳақида
уйлар».
18.45 «Интеллектуал
ринг». Телеуин.
19.25, 19.55, 20.25,
21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус
тилида)
20.00 «Оқшом эрта-
лари».
20.15 FCN «Ўзбекис-
тон янгиликлари»
(инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 Эстрада тарона-
лари.
21.25 «Гап чикди».
Телешоу.
22.05 «Умид ниҳолла-

ри». Спорт уйинлари
кундалиги.
22.45 «Ахборот-
дайджест».
«Тунги ёғду».
23.05 «Гладиатор».
Бадий фильм. 1-
қисм.
00.20-00.25 Ватан
тимсоллари.

**«Ёшлар»
телеканал**

7.55 Курсатувлар
дастури.
8.00 Давр тонги.
9.00 «Янги авлод»
студияси: У ким?, Бу
нима?, Шум бола-
лар.
9.40 Табобат олами-
да.
10.00 «Япониянинг
боқий маданияти».
Илмий-оммабоп
сериал 4-қисм.
10.20 «Давр» нигоҳи.
10.40 ТВ-анонс.
10.45 «Достоннинг
давоми». Видео-
фильм.
11.00 «Бунёдкор»
ёшлар телеклуби.
11.20 «Гвадалупе».
Телесериал.
12.00 Кўҳна оҳанглар.
12.10 Ринг қироллари.
13.00 «Эраимиздан

аввалги дунё».
Маърифий фильм 4-
қисм.
13.25 Огоҳ.
13.40 «Чархпалак».
Телевизион бадий
фильм 14-қисм.
14.25 Дунё ажойибот-
лари.
14.45 «Тўғри сўзнинг
тўқмоғи». Бадий
фильм.
15.55 Кишлоқдаги
тенгдошим.
16.15 «Эраимиздан
аввалги дунё».
Маърифий фильм 5-
қисм.
16.40 Курсатувлар
дастури.
16.45 «Янги авлод»
студияси: Бўш
ўтирма, Келинг,
танишайлик, Мульт-
фильм.
17.35 Бола тилидан.
18.05 ТВ-анонс.
18.10 «Эраимиздан
аввалги дунё».
Маърифий фильм 6-
қисм.
18.35 Каталог.
18.45 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 «Давр»-репор-
таж.
19.45 ТВ-анонс.
19.50 Кўҳна оҳанглар.

20.00 Кутилмаган
меҳмон.
20.20, 21.10, 22.35
Эълонлар.
20.25 «Чархпалак».
Телевизион бадий
фильм 15-қисм.
21.15 Оҳанрабо.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс ва
тунги тароналар.
22.55 Мугойба.
23.25 «Ёшлар» телека-
налида премьеры
«Ганга ва Жамна».
Бадий фильм. 1-
қисм.
0.55-1.00 Хайрли тун.

**«Тошкент»
телеканал**

17.10 Курсатувлар
тартиби.
17.20 «Мультчархпа-
лак».
17.40 «Ҳаҳон геогра-
фияси».
18.10, 20.10, 20.50
«Экспресс» телегазе-
таси.
18.30 «Афиша».
18.50 «Эҳтиром ила...»
19.05 «Мисли гавҳар».
19.20 «Табриқлаймиз-
кутлаймиз».
20.00 «ТВ мадад».
20.30 «Хусусийлашти-
риш: кадам-бақа-

дам».
21.10 «Нима учун?»
21.40 Кинонигоҳ.
«Рух». 1-2-сериялар.
23.30-23.35 Хайрли
тун, шахрим.

**«Халқаро»
телеканал**

9.05 Курсатувлар
тартиби.
9.10 «Лаззат».
9.35 «Экран зийнати
ва қиймати».
9.55 «Мусликий сер-
пантин».
10.10 Е. Петросяннинг
Кулгу панорамаси.
10.50 «Табиатшунос
саёхати».
11.20 Болалар соати:
«Ана Бумбо келди».
Бадий фильм.
12.35 «Дисней-клуб».
13.00-14.00 Дўстлик
видеоанали: «В
добрый хате».
«Чинсэн», «Бизнен
мерас».
14.00-15.30 «Васий».
Комедия.
17.00 Курсатувлар
тартиби.
17.05 «Бинафша».
17.25 «Севимли ВИА
концерти».
18.55 «Ким миллионер
бўлишни истайди?»

Телеуин.
20.00 «Время».
20.25 «Капитан Рон».
Комедия.
22.25 «Ахборот» (рус
тилида)
22.55 «Фирибгар».
Бадий фильм.
00.55 «Тунингиз
осуда бўлсин!»

30-канал

9.00 Дастурнинг
очиличи. 9.05, 17.40,
20.45 «Телехамкор».
9.30 «Деннис-шумта-
ка». Мультсериал.
10.00 Болалар учун
фильм. 11.30 «Маъри-
фий дастур». 12.00
Оилавий кино. «Уйин».
13.40 «Дискавери со-
ати». 14.30 Хинд ки-
носи. «Орзуларим
маликаси». 17.00 Те-
леуин. 18.10 «30-ка-
нал» кинооқшоми:
«Шарпа ва зулмат».
19.45 «Ошиқона». Му-
сликий дастур. 20.00
«Вовочка». Сериал.
20.30 «Клип-совға».
Телетабриқнома.
21.05 «Қасос ўти».
Сериал. 22.00 «30-ка-
нал»да кинооқшом.
«Маслаҳатчи». 24.00
Мусликий дастур.

Yakshanba

18

**«Ўзбекистон»
телеканал**

6.00 «Ассалом,
Ўзбекистон».
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «Камалат».
Болалар учун
кинодастур.
9.35 «Ажойибот».
10.00 «Ватанимга
хизмат қиламан».
11.00 «Она меҳри».
11.20 «Бу турфа
олам». Телеальма-
нах.
12.10 «Истеъдод».
12.30 «Ўзбектеле-
фильм» намоийши:
«Ўзбекистон Давлат
санъат музейи».
12.40 Болалар учун.
«Бувим ёлган нон».
Видеофильм.
13.40 «Интеллектуал
ринг». Телеуин.
14.20 ТВ-1 кинотеат-
ри: «Ўзганинг
чиптаси». Бадий
фильм.
15.55 «Гап чикди».
Телешоу.

16.35 «Умид ниҳолла-
ри». Спорт уйинлари
кундалиги.
17.15 «Ким ҳақ?»
Телевикторина.
«Болалар сайёраси»:
17.40 1. «Санъат
ғўнчалари».
2. «Олтин тож».
Телевизион уйин.
18.30 «Талабалик
йилларим».
18.50 «Қалб гавҳари».
19.10 «Бир қулишай-
лик».
19.25, 20.00, 20.25,
21.10 Эълонлар.
19.30 «Тахлилнома»
(рус тилида)
20.05 «Оламга саё-
хат». Кинокурсатув.
20.30 «Тахлилнома».
21.15 «Яхшилик».
Телешоу.
21.50 «Орол дарди –
олам дарди». Орол-
ни асрашга бағиш-
ланган хайрия
тадбири. «Туркистон»
саройидан ёзиб
олинган.
22.50 «Умид ниҳолла-

ри». Спорт уйинлари
кундалиги.
«Якшанба кинозали»:
23.30 «Гладиатор».
Бадий фильм. 2-
қисм.
00.45-00.50 Ватан
тимсоллари.

**«Ёшлар»
телеканал**

7.55 Курсатувлар
дастури.
8.00 Давр тонги.
9.00 «Янги авлод»
студияси: Бўш
ўтирма, Келинг,
танишайлик, Мульт-
фильм.
9.50 Очил дастурхон.
10.10 ТВ-анонс.
10.15 Оҳанрабо.
10.55 «Заковат»
интеллектуал уйини.
11.50 «Эраимиздан
аввалги дунё».
Маърифий фильм 6-
қисм.
12.15 Аскар мактубла-
ри.
12.35 Болалар экрани:
«Мария, Мирабелла
Транзисторияда».
13.45 Чемпион
сирлари.
14.05 «Чархпалак».
Телевизион бадий

фильм 15-қисм.
14.50 Ватан ҳақида
кўшиқ.
14.55 Азизим.
15.40 «Зинама-зина».
Телеуин.
16.05 «Овчи». Видео-
фильм.
16.25 «Учинчи сайёра»
маърифий дастури.
17.15 Курсатувлар
дастури.
17.20 «Янги авлод»
студияси: Катта
танаффус, Уй
вазифаси, Мульт-
фильм.
18.15 Спорт ҳафтано-
маси.
18.30 Музейлар
бўйлаб...
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр»-news.
19.20 Синфдош.
19.45 Мухаббат
Гофурова қуйлайди.
20.05, 20.55, 22.30
Эълонлар.
20.10 «Чархпалак».
Телевизион бадий
фильм 16-қисм.
21.00 «Қилни қирқ
ёриб...» интеллекту-
ал уйини.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр» ҳафта

ичида.
22.35 ТВ-анонс ва
тунги тароналар.
22.50 «Ганга ва
Жамна». Бадий
фильм 2-қисм.
0.20-0.25 Хайрли тун!

**«Тошкент»
телеканал**

17.10 Курсатувлар
тартиби.
17.20 «Эртақларнинг
сеҳрли олами».
19.00, 20.10, 21.15
«Экспресс» телегазе-
таси.
19.20 «Табриқлаймиз-
кутлаймиз».
20.00 «ТВ мадад».
20.30 «Ҳаҳон геогра-
фияси».
21.00 «Нима учун?»
гуруҳи такдим этади:
«Шунақа гаплар».
Ҳажвий курсатув.
21.35 Кинонигоҳ.
«Севишганлар».
23.10-23.15 Хайрли
тун, шахрим.

**«Халқаро»
телеканал**

9.05 Курсатувлар
тартиби.
9.10 Д. Криловнинг
«Йўлда ёзилмаган

қайдлари».
9.30 «Ҳамма уйдали-
гида».
10.05 «Кувноқ инглиз
тили».
10.15 «Кайфият».
Информацион дам
олиш дастури.
11.45 «Дорихона
эшитди».
12.30 «Фан тайм».
12.40 «Парле ву
франсе?»
13.05 «Хусусийлашти-
риш: кадам-бақа-
дам».
13.25 FCN «Ўзбекис-
тон янгиликлари»
(инглиз тилида)
13.35-14.55 «Дўстлик»
видеоанали: «Ранги-
камон», «Дидар».
«Айчурек», «Корейс
тилини ўрганамиз».
17.00 Курсатувлар
тартиби.
17.05 «Билишни
истайман».
17.25 «Лаззат сеҳри».
17.55 «Топ мюзик».
18.10 «Кулгули одам-
лар». Ҳажвий курсә-
тув.
19.55 «Диканка
кишлоғидаги кеча-
лар». Бадий фильм.
21.20 «Дунёга назар».

21.35 «Тенгдошлар».
22.05 «Тахлилнома»
(рус тилида)
22.40 Л. Долина,
Алсу, В. Пресняков
ва М. Боярский
иштирокидаги
концерт дастури.

30-канал

9.00 Дастурнинг
очиличи. 9.05, 11.30,
17.45, 20.45 «Теле-
хамкор». 9.30 «Ден-
нис-шумтака». Мульт-
сериал. 10.00 Бола-
лар учун фильм. 12.00
Оилавий кино. «Сто-
арт Литтл». 13.40
«Дискавери соати».
14.30 Кундузги кино-
зал «Табиб». 16.10
Дам олиш дастури.
16.40 Мусликий дасту-
р. 17.00 Телеуин.
18.10 «30-канал» ки-
нооқшоми: «Опа-син-
гиллар». 19.45 «Оши-
қона». Мусликий дасту-
р. 20.00 «Агентлик».
Ҳажвий сериал. 20.30
«Клип-совға». Теле-
табриқнома. 21.05
«Қасос ўти». Сериал.
22.00 «30-канал»да
якшанба кинооқшоми.
«Филадельфия». 23.50
Спорт шарҳи.

Эртага Фафур Фулом таваллудига 100 йил тўлади

«БУ САНЪАТ — КҮНГИЛ ЭРМАГИ ЭМАС»

Устоз Фафур Фуломнинг сўз санъати адабиётнинг халқчилиги, халқ оғзаки ижоди, сатира ва юмор, адабий мутолаа, ҳаётни ўрганиш, устоз ва шогирдлик муносабатлари, назмий, мазмун ва шакл, ижодкорнинг камолотида газетанинг мавқеи каби масалалар борасида билдирган айрим фикрларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Шоир нима деган сўз? У суҳбатнинг гули ёки боғнинг булбулими? Шоирлик газетада куюк ҳарфлар билан қўйилган имзо ёки китобнинг биринчи бетида илжайиб турган сурат учунми?

Йўқ, йўқ! Қўшнисининг юкини енгил қилган, йироқ-йироқлардаги нотаниш заминдошга офтоб бўлиб, юрак тафтини етказа олган, гўдаклар қаршисида оламни дастурхондек ёйиб, мўйсафидлар кўзига йиғитлик нурини қайта бахш эта олган ижодкорни шоир деймиз...

Девордаги дуторнинг ёнидан пашша ўтса билинганидек, шоирнинг ҳам қалби сезгир бўлиши керак.

Адабиёт халқчил экан, халқ тилига таяниши керак.

Санъаткор шон-шухрат, мансаб, мартаба кетидан юриши керак эмас, шухрат санъаткорнинг кетидан юриши керак. Зотан у кўнгили эрмаги эмас.

Баъзи бир муҳаррирлар, танқидчилар ўрни келганда: «Китобий шеър бошқая газета шеъри бошқа олам», деб қайчини қўлга оладилару жарроҳлик қилишга киришадилар. Йўқ, зўр шоир ҳам, заиф шоир ҳам бўлганидай, яхши ёки ёмон шеър ҳам бўлиши мумкин, ҳолос. Гап шоирнинг халққа айтгудай, унга манзур бўлгудай фикри борлигида.

Халқим учун хизмат қилдимми, шу хизматни маъқул ва халқимнинг керагига ярқоли қила олдимми, букун нима қила олдимки, халқимнинг шон ва шарафига, маданияти, давлати, эътибори кўтарилгай, эртага нима қилурман? Шу ҳаққи ҳисоб нону туз бериб ўстирган халқим томонидан ҳар замон мендан талаб қилиниши мумкин.

...Ижодий маҳсулотларнинг кўз булоғи шу ижодкор халқнинг ўзгирасидир.

Халқ ижоди — фольклорга эргашиб ёзиш ёзма адабиётимизнинг халқ ўртасига кириши, омалашуши, сингиши учун анча ёрдам беради.

Қизиқ сўзи ҳарорат дегани: тирик жон ҳарорат билан мўътабардир. «Базм қизиди, уй қизиб кетди, чаккам қизиди, бу иш қизиқ бўлди», деганимизда ҳароратни кўзда тутамиз. Қизиқчи деган ҳам қалбга ҳарорат бергучи бўлади.

Халқ тилининг бойлигига асосланган асаргина ҳақиқий поэтик асар бўлиши ва халққа манзур келиши мумкин.

...Илжайишдан тортиб, девор қулатадиган қаҳқаҳагача, кулгининг шакли, тури ва мазмуни қўп...

Афанди латифаларидаги кулги билан қитик кулгисининг фарқи бор. Қувонч кулгиси билан юпанч кулгисининг заҳархандадан фарқи бор.

Кишиларнинг табиий камчиликларидан кулмак, азахонада кулмак сингарилар беодоб кулгилар ҳисобланади.

Сипо кулгилар ҳам бор. Саломат кишининг дўстлар ўртасида кулгиси, Юсуфжон қизиқнинг таълимидаги кулгилар, аския кулгиси шу кулгилардан.

...Сиз ёш ёзувчиларимизнинг билимлари, ўқувчиларидан тубанда бўлмаслиги керак. Мен-ку, олий маълумотли бўлмаган киши ёзувчи бўла олмайди, демоқчи эмасман; аммо, олий маълумотсиз, олий даражада жаҳонга қарашни билмай туриб, қандай қилиб ҳам ёзувчи бўла олишига ҳайронман.

Бадий тажриба йиғиш деган сўз воқеаларни эсда сақлаб, уларнинг керегини ажрата билиш демакдир. Бу жарён санъаткорнинг бутун умри бўйи давом этади. Турмушни кузатиб бориш ва ундан таъсирланиш жуда кўп материал маълум даражада тартибга солинган бўлади. Ёзувчи ўз қалбига ва сезгисига таъсир қилган нарсаларни эҳтиёт билан сақлайди.

Ёзувчи кишининг ички дунёсини тасвирлар экан, ўз тажрибасига суянади. Шунинг учун ҳам бу тажриба қанчалик кенг бўлса, асар қаҳрамонининг ички дунёси шу қадар бой бўлади.

Маҳмуд САБДИЙ тўплаб, нашрга тайёрлаган.



Билимга чанқок, ишонч ва орзу-умидларга тўла бўлган ҳаёлпараст ўсмирлик давримиз эди. Ҳозирги Собир Раҳимов туманидаги «Мевазор» маҳалласининг ўрни ўша вақтларда «Хончорбоғ» дейиларди. У ердаги хонадон эгалари баҳорда боғ ҳовлига кўчиб келиб, кўзда яна шаҳарга кўчиб кетишарди. Шоғулом ота, Шоумар бува, Маҳкам амаки, уста Саидазим бува ва уларнинг оилалари ёзда «Хончорбоғ»да истиқомат қилишарди.

Уста Саидазим бува дуррадгорлик ва ўймакорлик санъатида бетакрор, атиргул кўчатларини етказиб, гулканд (офтоби қанд), гулоб тайёрлашда, асаларичилик ва деҳқончиликда беназир уста эдилар. Уста Саидазим буванинг ана шу жиҳатлари туфайли бўлса керак, сеvimли шоиримиз Фафур Фулом у кишининг боғ ҳовлиларига тез-тез ташриф буюриб турардилар.

сонга ҳузур бағишлайди. Фафур Фулом бошларида дўппи, узун енгли украинча гулли кўйлақдалар. Қўлларидаги китобни очиб, «Эштинг, дода», — деб ушбу тўртликни ўқидилар:

«Агар он турки шерозий ба даст орад дили моро, Баҳоли ҳиндуяш бахшам Самарқанду Бухорору».

Икки қошинг аросида қаро ҳолинг қилур шайдо, Дегил, эй ҳиндуларнинг янги ойи, бу қайдан бўлди пайдо?

Саидазим бува мамнунлик билан, «илоҳим, ақлинг қаймоғи бундан ҳам куюк бўлиб, қаламинг сайроқи бўлаверсин, Фафуржон» десалар, у киши жавоб қилдилар:

— Буниси ўзимники эмас, дода. Яқинда Мирзо Турсунзода асарларидан бирини таржима қилувдим, бу ўша қиссадан. Мана бунисини эшитинг:

Ҳазал дарёсини тузди тамоман янгидан Бедил, Шеър бўстонининг ҳусни безанди рангидан Бедил.

— Отасига балли, — дедилар бува лагандаги шафтолини шоир томон суриб. — Сендан бир нарсани сўрамоқчи

УСТАНИНГ АЗИЗ МЕҲМОНИ

1948 ёки 1949 йиллар эди чоғи. Куз пайти ёнғок қоқайтган эдик. Шу пайт Фафур ака ҳовлига кириб келганларини сезмай қолибмиз. Барчамиз салом бердик. Ўшанда Фафур ака қуйидаги тўртликни ўқиб берганлари ҳали-ҳануз ёдимда:

Яшаймиз ҳаётдан олиб бўсалар, Умрининг найини бизлар чаламиз. Халқу Ватанимиз кўёш бўлсалар, Биз бу кенг осмонда — қуёшчалармиз. Ёз фасли ҳар бири пиёладек келади-ган шафтоли, чаман бўлиб очилган анвойи атиргулларнинг ёқимли ҳиди ин-

эдим. Бедилни ёддан биладиган шоир бормиш, шу ростми? — сўрадилар бува.

— Ҳа, бор дода, шундай одам. Тожикистонлик, исми Боқи Раҳимзода — Бедилни чуқур ўзлаштирган шоир ва драматург. Уч-тўртта асарлари ҳам китоб бўлиб чиққан. Аммо, Мирзо Абдулқодир Бедилнинг ўзига етадигани йўқ. Ўзи Бенгалияда туғилган, аммо ота-оналари шаҳрисабзлик ўзбеклардан. Қаранг, дода. Бенгалиялик гўзал ва ажойиб раққоса Комдени Бедил қандай тасвирлайди:

Шўх юзлари терлаганда ярақлаб, Гўё юзлаб юлдуз чиқар чарақлаб...

Уста Саидазим буванинг ажойиб ва ноёб хислатлари кўп эди. У киши ҳар йили 20-30 донагача чиройли ҳассалар тайёрлаб қўйиб, бирор-бир йиғинда ўз яқинларига биттадан тарқатиб чиқардилар. Шундай кунларнинг бирида Фафур Фулом ҳам ҳассадан биттасини ола туриб, дедилар:

Замона айланди, мен тамом ўзгардим, Асойимни қўлга бер энди, у бошқа даврон эди.

Уста Саидазим бува 104 ёшларда шаҳар ҳовлида вафот этдилар. Орадан йиллар ўтиб, 1966 йилнинг ёзида отахон шоиримиз Фафур Фуломни ҳозирги Иқтисодиёт университети ҳовлисида охириги марта кўргандим.

Донишмандлар айтганидек, адабиёт оламига ўлим йўқ. Марҳумлар тириклар каби ёнма-ён туриб, ўз асарлари билан доимий суҳбатдошимиздир. Фафур Фуломдек суюкли ва улуг шоир, уста Саидазим бувадек донишманд ва маслаҳатгўй буюк инсонлар номи қалбимизда абадий сақланади.

Эркин ФУЛОМОВ,
Тошкент туманидаги
Алишер Навоий номи
маҳалла оқсоқоли.

Фафур ФУЛОМ

ЙИГИТЛАРГА

Йигитлар халқларнинг мақтови — кўрки, Наслининг жавҳари, давлат таянчи, Юртнинг ободлиги, тўйлар сабаби, Элининг гуркираши, файзи қувончи...

Йигит омон бўлса, хавфу хатар йўқ, Қалқон бор: қалъа бут, қўрғон саломат, Қизлар кулгусида авжу даромад, Чоллар уйқусида жаннат, фароғат.

Йигитлик умрининг бир кўкламига Бир бутун замонни алишсанг арзир, Арзир, бўз йигитнинг қадами учун Замонлар, кўкламлар бўлса мунтазир.

Бир йигит ҳижрони баъзан отанинг Бағрини, дўстларим, доғ-доғ ўртар...

Расо қоматингиз бизга асодир, Уфуринг, боғимиз бўлсин муаттар.

Сиз ахир ўлимни юртдан қочириб, Ҳаётни пойдор қилган аскарсиз. Сиз ахир улуг юрт иқболи учун Жон тиккан эрларсиз, зотсиз, нафарсиз.

Лаънати галалар ердан суприлди Муқаддас ва ҳалол қонингиз билан. Янги жаҳон учун асос қўйдингиз, Ўлимни билмаган жонингиз билан.

Атомлар қуввати пок қалбингизда Ва сиздан кутади тақдирин жаҳон: Жаҳон, замон, халқлар, Ватан ва давлат Сизга таянади, сиздир посбон.

20. 11. 1946.

РАВШАН ҒОЛИБ БЎЛДИ

Кибрай туманида «Ўзбекистон кўшиқ байрами» кўрик-танловининг туман босқичи ўтказилди.

Унда ёш ижрочи санъаткорлар ўз истеъдод ва маҳоратларини намойиш этдилар. Айниқса, «Бек» гуруҳи хонандаси Бехзоджон Юнусовнинг «Аёллар», 2-музыка санъати мактаби талабаси Нодиржон Зоитовнинг «Мен бахтнинг парвозиман», 27-музыка мактаби ўқувчиси Феруза Фахруллаева ижро этган «Она Ватан» кўшиқлари

кўпчилиكنинг таҳсин ва олқишларига сазовор бўлди.

Ҳайъат аъзолари туман марказий маданият уйининг «Феруз» гуруҳи хонандаси Равшан Миробидовни танлов ғолиби деб эълон қилди. Энди ёш хонанда «Ўзбекистон кўшиқ байрами» танловининг вилоят босқичида қатнашади.

Шоира ҚУРБОНОВА.



УЙ-ЖОЙЛАР ВА ИНШООТЛАР ЭГАЛАРИ ЁКИ

ҲОЙДАЛАНУВЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Тошкент вилояти инвентарлаштириш-кадастр бюроси қуйидаги хизматларни тақлиф қилади:

- уй-жойлар ва иншоотларга эгалик ҳуқуқини давлат рўйхатига олиш;
- барча турдаги уй-жой бинолари ва иншоотларни техник инвентарлаштириш, баҳолаш ва қайта баҳолаш.

Барча саволлар билан Тошкент вилояти техник инвентарлаштириш-кадастр бюросининг шаҳар ва туманлардаги ҳудудий бўлинмаларига мурожаат қилишингиз мумкин.

Тошкент вилоят ТИКБ.

«Хамшира – 2003»

ОҚ ХАЛАТ КИЙГАН МАЛИКАЛАР

Юқоричирчиқ туманининг марказий шифохонасида «Хамшира-2003» туман кўрик-танлови ўтказилди.

Кўрик-танловнинг биринчи шарти ҳисобланган «Хамшира ташрифи»да саҳнага бирин-кетин иштирокчилар оппоқ тиббий кийимларда чиқиб келишди. Уларнинг ҳар бири ўзи таккан нишонга изоҳ берди. Ушбу шарт орқали иштирокчи хамшира ўзининг иш жойини, вазифасини ва ундаги янгиликлар билан томошабинларни таништирди. Назарий билимлар бўйича савол-жавобларда эса қизлар бемор ҳолатига қараб, ташхис қўйиш, биринчи ёрдам, юқумли касалликлар ҳамда эпидемия ҳолати ҳосил бўлганда асосий клиник ҳолатлар бўйича саволларга зук-колик билан жавоб беришди. Ўз касбига пухта хамширалар юртимиз тарихига оид билимлар эгаси эканликларини ҳам кўрсатишди.

Бундай фазилатларини учинчи шарт мобайнида ҳам намоиш этишди.

Амалий билимлар бўйича вазифани бажариш шартида эса хамширалар берилган асбоб-ускуналар, дори-дармон ва анжомлар асосида ўзларининг амалий кўникмаларини намоиш этдилар.



Ҳакамлар иштирокчиларнинг билими, амалий шарт қай даражада бажарилгани, анжомлардан тўғри фойдалангани ва жавоблар тўғрилигини баҳоладилар.

Эркин мавзуда эса хамширалар ўзларининг рақибаларини санъат бобида доғда қолдириш учун кўшиқ, шеър, рақс, монолог ва бирон-бир сахнавий кўришни намоиш этдилар. Барча нарсанинг ибтидоси бўлганидек, интихоси ҳам бор. 7 нафар хамшира иштирок этган ушбу кўрик-танловнинг якуний натижаларига кўра биринчи ўрин марказий шифохонанинг жарроҳлик бўлими хамшираси Лобар Исмаилов

лаевага, иккинчи ўрин травматология-ортопедия бўлими хамшираси Гулсанам Норматовага, учинчи ўрин акушерлик мажмуи хамшираси Дилноза Арзиматовага насиб этди. Ғолиблар ҳомийлар томонидан эсдалик ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланишди.

Хурида НАЗАРОВА.

СУРАТДА: «Хамшира – 2003» ғолиблари: (чапдан) Гулсанам Норматова, Лобар Исмаилов ва Дилноза Арзиматова.

Даврон АҲМАД олган сурат.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

Республика Кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилоят филиали Сиз азизларни **2003 йил 11, 18, 25 июнь** кунлари **соат 11.00** да ўтказиладиган навбатдаги кимовиди савдоларига таклиф этади.

Савдога қўйидагилар қўйилади:

1. Паркент тумани ҳокимияти томонидан фуқароларга мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш ва ўй-жой қуриш учун сотилиши белгиланган «Куличи» маҳалласида жойлашган сатҳи 400 кв.м бўлган 1 та ер майдони.

Бошлангич баҳоси — 48720 сўм.

2. Янгийўл шаҳар ҳокимиятига қарашли, Эшонқулов кўчаси 1-ўйда жойлашган, умумий ер майдони 283,4 кв.м бўлган 98-дўкон биноси.

Бошлангич баҳоси — 3284700 сўм.

Ер майдонларига ариза қабул қилиш кимовиди савдосидан уч кун олдин тўхтаилади.

Бундан ташқари, аввалги кимовиди савдоларида сотилмай қолган ёки савдо натижаси бекор қилинган кўчмас мулк объектлари ва ер майдонлари ҳам савдога қўйилади.

Эслатма: сотиб олувчилар томонидан мулкнинг харид тўловларидан таш-

қари, яъни давлат божи ёки давлат ордерини олиш учун мулк харид қийматининг бир фоизи миқдоридagi маблағ ва баҳолаш хизмат ҳақи алоҳида «Xususiy lashtirishga ko'maklashish konsalting markazi» ҳисоб рақамига ҳужжатлар асосида тўланади.

Республика Кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилоят филиалида

30 апрель куни бўлиб ўтган кимовиди савдосида Қўйичирчиқ туманида жойлашган 19 та ер майдони жами 959.000 сўмга сотилди. Янгийўл туманида 5 та трактор ва 3 та прицеп жами 9460000 сўмга сотилди.

7 май куни бўлиб ўтган кимовиди савдосида Чирчиқ шаҳрида жойлашган 2 та ер майдони 3.000000 сўмга сотилди.

28, 30 апрель ва 2 майда бўлиб ўтган биржа савдосида Янгийўл, Оқтўғон, Қибрай, Чиноз, Бўка, Бўстонлик, Қўйичирчиқ туманлари, Тошкент, Чирчиқ шаҳарлари ҳудудида жойлашган 15 та жами 44622200 сўмлик нодавлат кўчмас мулк объектлари сотилди.

5-7 май кунлари бўлиб ўтган биржа савдосида Бўстонлик, Ўртачирчиқ, Зангиота, Қибрай, Бўка туманлари ва Чирчиқ, Янгийўл шаҳарлари ҳудудида жойлашган 8 та кўчмас мулк объектлари 38700100 сўмга сотилди.

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳар, Мовароуннаҳр кўчаси, 19-уй, Тошкент вилоят ҳокимияти биносининг ўнг қаноти.

Мурожаат учун телефонлар: 133-28-52, 133-77-18. Факс: 133-43-73.

Шарҳловчи минбари



Evropa
Tiklanish va Taraqqiyot
Banki

ЕТТБ Тошкент анжумани немис матбуоти нигоҳида

Тошкентда Европа тикланиш ва тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг XII йиллик мажлиси ўз ишини якунлади. Минтақа турмуш тарзи ҳамда мамлакатимизнинг ЕТТБ билан стратегик алоқалари тараққиёти истиқболларини белгилаб берувчи ушбу анжуман ва унинг натижалари Германиянинг етакчи оммавий ахборот воситаларида катта қизиқиш уйғотмоқда.

Германия матбуоти Ўзбекистон нафақат дунёнинг энг нуфузли молия институтларидан бири билан ҳамкорликни ривожлантириш, балки ушбу обрўли ташкилот талабларига тўла жавоб бериш истагини ҳам намоён этганини алоҳида таъкидламоқда.

“Зюдойче цайтунг” газетаси ўзининг Тошкент анжуманига бағишланган мақоласида, жумладан, шундай деб ёзади: “Бугун Ўзбекистон пойтахти мамлакатнинг тараққиёт йўлидан боришини белгилаб берувчи муҳим икки кунни бошидан кечирмоқда.

Албатта, Ўзбекистон бошқа мамлакатлар сингари бозор иқтисодиётига ўтиш даврини бошидан кечирмаган, молия ва ижтимоий ислохотлар соҳасида ҳам бой тажрибага эга эмас. Лекин мамлакатнинг жаҳон ҳамжамияти доирасида тенгхуқуқли шерик бўлиш учун барча имкониятларини ишга солаётгани ҳақиқий тараққиёт ва аниқ мақсадлар сари йўналтирилган рағбатнинг мавжудлиги белгисидир. ЕТТБ йиллик йиғилишининг айнан Тошкентда ўтказилиши фикримизнинг исботидир”.

Ушбу анжуман республика олдида янгидан-янги истиқболларни очиши ҳақидаги фикрга қўшимча равишда газетада шундай дейилади: “Европа тараққиёт ва тикланиш банки сўнгги йилларда Ўзбекистон иқтисодиётига 750 млн. АҚШ доллар миқдоридида сармоя киритгани ва бошқа ташкилотлар томонидан 1,5 млрд. доллар миқдоридида сармоялар жалб этилишига кўмаклашгани сермахсул ҳам-

корликнинг ҳақиқий ва энг асосий далилидир. Ўзбекистоннинг кундалик ҳаётида дуч келаётган баъзи муаммолар эса республикада мавжуд ижобий силжиш ва ўзгаришларга соя ташлай олмайди”.

Ушбу фикрни мамлакатда чоп этиладиган “Нойе Цюрхер цайтунг” газетаси ҳам қўйидагича таъкидлайди:

“Тошкентда ЕТТБнинг навбатдаги йиғилишини ўтказилишига қарши бўлганларни ҳам тушуниш мумкин. Уларнинг аксарияти учун бу ғайриоддий ва айни бир пайтда ёқимсиз ҳол бўлди. Аммо ҳаётда барча нарсаси воқелик ила ўз тасдиғини топади. Воқелик эса Ўзбекистон ўзининг бетиним меҳнати, матонати, ўзгариш ва янгиланиш сари интилиши орқали катта муваффақиятларга эришганини кўрсатмоқда. Ушбу саъй-ҳаракатлар гарчи дарҳол ўз меvasини бермасида, пировардида натижага эришади. Натижа эса фақат сифатли бўлади”.

“Хандельсблат” интернет газетаси эса Тошкент анжумани тўғрисида қўйидагича ёзади:

“Ўзбекистоннинг мусибатли тоталитар ўтмиши ва жаҳон бозорларига чиқиш йўлларининг берклиги, унинг халқаро ҳамжамиятга дадил кириб боришига тўсқинлик қила олмайди. Дунёда бой, фаровон мамлакатлар кўп, лекин айнан Ўзбекистоннинг мана шундай нуфузли анжуманга мезбонлик қилаётгани республиканинг ишончли ҳамкорга айланганидан далолат бермасмикан?”.

Аслам АҚБАРОВ,
“Жаҳон” АА, Берлин.

Xorijdan xabarlar

Жаҳон ҳамжамиятини жиддий ташвишга солаётган ғайриоддий зотилжамнинг касаллик вируси кун сайин кенг қулоч ёймоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг сўнгги маълумотида кўра, ҳозиргача дунёда етти мингга яқин одам касаллик вирусини ўзига юктиришга улгурган. Уларнинг 478 нафари ҳаётдан кўз юмган.



АҚШ ҳарбийлари Ироқ жанубидаги Умм-Каср шаҳрида қўлга олинган асирларнинг яна 250 нафарини озодликка чиқарди.

Бундан бир неча кун аввал беш минг нафар асир қўйиб юборилган эди. Улар коалиция кучларига қарши ҳаракат қилмагани аниқланган.

7 май куни Исроил халқи мустақиллик байрамини нишонлади. Шу муносабат билан мамлакатда тартибни сақлаш чоралари кучайтирилди.

Байрам арафасида эса Иордан дарёси соҳили бўйлаб ўтган ва Ҳазо минтақасидаги Исроил-Фаластин чегараси бутунлай ёпиб қўйилган эди. Полиция фаластинликларни мамлакат ҳудудига киритмаслик чораларини кўрган.

Ўтган сешанба куни АҚШ ҳукумати Сингапур билан савдо алоқаларини ривожлантириш бўйича битим тузди. Мазкур ҳужжатда божхона тўловларини бекор қилиш, савдо-сотиқ ва сармоя киритишни кучайтириш кўзда тутилган.

Битим АҚШ конгресси ва Сингапур парламенти томонидан тасдиқланмоғи керак.

ЎЗА.

БУНЁДКОР ЁШЛАРНИНГ БИЗНЕС ЛОЙИХАЛАРИ

“Бунёдкор” ёшлар телеклубида республикада фаолият юритаётган SIFE (Students in Free Enterprise) ташкилоти вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди. Унда ушбу ташкилотнинг асосий мақсад ва вазифалари, юртимизда кейинги йилларда амалга оширган ишлари, бунда талаба-ёшларнинг иштироки ҳусусида сўз юритилди.

SIFенинг Марказий Осиё бўйича бош офиси Ўзбекистонда жой-

лашган. Ушбу ташкилотнинг мақсади талабаларга олий ўқув юрт-

ларида олган билимларини нафақат ҳаётда, балки амалиётда ҳам қўллаш имконини яратишга қўмаклашишдир. SIFE талабаларнинг ўқиш жараёнида яратган бизнес лойиҳаларини қўллаб-қувватлайди.

Айни пайтда бу ташкилотга 33 давлат аъзо. Ушбу мамлакатлар вакиллари SIFE ҳар йили ўтказа-

диган бизнес лойиҳалар бўйича мусобақаларда фаол иштирок этади. Мусобақаларнинг умумий пул мукофоти 400 минг АҚШ доллари тенг бўлиб, ўтган йили республикада миқёсида бўлиб ўтган беллашувида Андижон давлат педагогика тиллар институти жамоаси биринчи ўринни эгаллаб, жаҳон миқёсидаги мусобақада иштирок этган эди.

Бехбўд БОТИРОВ,
ЎЗА мухбири.

Bolalik bog'i MEHMON AZIZ

Juda martabali bir sohibning dushmanlaridan uch yuz kishini asir qilib, uning huzuriga keltiribdilar. Sohib ularni qat'i qilishga buyurdi. Asirlar orasida kichik yoshli bir bola ham bor edi. U o'rtidan turib:

— Ey, muruvvatli sohib, men tashnami bir piyola suv bering, tashna holda o'lib ketmay, — dedi. Sohib suv berishni buyuribdi. Bola piyolani qo'llig'a olib aytdi:

— Hamma asirlar tashnadirlar, men suv ichib, ularga bermasam muruvvatdan bo'lmas. Marhamat qilib buyuring, hamma asirlarga suv bersinlar, tashna holda o'lmasinlar.

Sohibning buyrug'i bilan hamma asirlarga suv berdilar. Ular suvlarini ichib bo'lganlaridan keyin bola ta'zim bilan:

— Ey sohib, suvingizni ichish bilan hammamiz mehmoningiz bo'ldik, mehmonni o'ldirish fazlu karam ahlining rasmi emasdir, — dedi.

Sohib bolaning farosati, zukkoligidan zavglanib, hamma asirlarni ozod qildi.

Биласизми?

КИБОРГЛАР ОРАМИЗДА



Киборг сўзи «кибернетик организм» иборасининг қисқартирилган шакли. Қўл-оёқ ёки бирон-бир аъзони сунъийсига айлантириш олдиндан маълум. Бироқ илмий-техниканинг ривож бу соҳада ақлни шоширадиган мўъжизаларни тортиқ қилаётди.

Масалан, 90-йиллардаёқ Балтимор университетидан ўн беш нафар кўзи ожиз беморнинг миясига кўзининг ёрдамисиз кўриш имкониятини берадиган электрон микросхема ўрнатилган. Мияга уланган бу қурилмалар кўзи ожизларга ёруғликни кўриш, ранглارни ажратиш имконини берди.

Кумуш
ЭГАМБЕРДИЕВА
тайёради.

Муҳокама учун мавзу СИНФ КЕЛИНИНГ УЙИ ЭМАС

...Бошлангич синф ўқувчиларининг ота-оналари томонидан йил бошида минг сўмдан маблағ йиғилибди — ўқув қуроллари, партаю жижҳозлар, синфни таъмирлаш учун зарур ашёлар ва ҳоказоларга... Бундан ташқари, ота-оналар болаларига овқат пули, кийим-кечак, ўқув қуролларини ҳам олиб беради, албатта.

— Ўртоқлар, ўтказилажак тадбир учун яна минг сўмдан пул йиғсак. Чунки, ҳадемай, ўқишлар тугайди, болаларимизнинг устозига бирор арзигулик совға, дегандай...

Шароити оғирлигидан нолиган ўрта ёшлардаги она билан ёш аёл тортиша кетди:

— Биз боламиздан минг сўм эмас, балки беш минг сўмни ҳам аямаймиз. Сиз ҳам ҳаракат қилинг-да, ахир!

Шунда ёши улугроқ аёл чидай олмади:

— Аста-аста, қизим. Болам тенгисану бобиллайсан-а?! Беш нафар боламини ўқитаяпман, мен ҳам боласига жонини нисор қилувчиларданман. Лекин, ҳозирча шароитим кўтармай турибди...

Тўнғич фарзандларим ўқиган вақтда устозлари синфхонага бежирим, оддий пардалар осияшарди. Энди нақд 16 минг сўмлик парда олиб осияпти. Ахир, синфхона келинчакнинг уйи эмас-ку...

Кимдир бу эътирозга қўшилди, кимдир ҳайрон. Ўйланиб қоласан киши. Ҳақиқатан, синфхоналарга қимматбаҳо буюмлардан кўра, ажойиб китоблар, ўқишга оид кўргазмалар муҳим ва зарур жиҳоз эмасмикан?

Уша ўзидан улугроқ ёшдаги аёл билан гап талашган келин «иши юрган» тадбиркорлардан. Эплаган икки ошар, деб қўл силтаб кетаверсак, эртага биздан андоза олган фарзандларимиз оддийлик, камтарлик нималигини унутиб қўйишмайдими?

Болалар — келажагимиз. Уларнинг бекаму кўст таълим олиши учун ота-она, албатта, борини аямайди. Қолаверса, мактаб ва синфхоналарни таъмирлаш ва жиҳозлаш учун ҳомийлик ҳам яхши нарсаси. Аммо, бу хайрли ишни ҳамма учун мажбурий тўловга айлантириш, ота-оналардан йиғилган маблағ эвазига ортиқча ҳашамат ва башангликка интилишни ҳеч нарсаси билан оқлаб бўлмайди. Ўзи хохлаб, мактабга қўмак бераётганлар маблағларини ҳам факат зарур анжомлар, ўқув қўлланмалари учун сарфлаш мақсадга мувофиқ. Шундай эмасми? Бу фикрларга сиз нима дейсиз, азизлар?!

Нигора ЖАЛОЛИДИН
қизи.

Вилоят ҳокимининг қарори қандай бажарилмоқда?

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Республикада китоб савдоси тизимини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида 2002 йил 4 октябрда вилоят ҳокимининг қарори қабул қилинган эди.

Унинг бажарилиши эса «Тошвилкитобсавдо ва таъминоти» давлат акциядорлик жамияти зиммасига юклатилди.

Жамият вилоятда китоб бозорининг бугунги ҳолати, аҳолининг китоблар ва идоровий хизмат буюмларига бўлган эҳтиёжини ўрганиш, уларнинг натижаларини нашриётлар ва истеъмолчиларга етказиш, китоблар ва бошқа босма маҳсулотларга буюртмалар қабул қилишни ташкиллаштириш, китоб дўконлари ишини жонлантириш, китоблар жойларга ўз вақтида етказилишини таъминлаш, китоб ярмаркаларини уюштириш ва халқроқ ярмаркаларда иштирок этиш каби вазифаларни амалга ошириши лозим эди.

Хўш, «Тошвилкитобсавдо ва таъминоти» давлат акциядорлик жамияти қўйилган вазифаларни удалай олаяптими? Вилоят Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси вилоят ҳокимининг қарори қандай бажарилаётганини ўрганиб чиқди.

Мана, қарор қабул қилинганига ҳам етти ой бўлди. Унда бир ой ичида вилоятда 11 та янги китоб дўкони очиш кўрсатилган эди. Аммо шу кунга қадар бирорта дўкон иш бошлагани йўқ. Аксинча, жамиятга қарашли бўлган 15 та китоб дўкони бугунги кунда бор-йўғи 3 таси ишлаб келмоқда. Қолганлари эса аллақачон фаолиятини тўхатиб қўйган. Қарорда белгилаб қўйилганидек, янги дўконларнинг жойлаштирилиши, яроқли бинолар билан таъминланишида вилоят давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳудудий бошқармаси ҳамда шаҳар ва туман ҳокимликларининг ёрдами етарли бўлмапти.

Жамият томонидан 2002-2003 ўқув йили учун мактабларга 5807,6 минг нусхадаги дарсликлар етказилиши лозим эди. Амалда эса режанинг уч фоизигина бажарилган, холос.

Китоб бозори талаб ва эҳтиёжларини ўрганиш ишлари ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Мактаб дарсликлари савдоси мутлақо ўрганилмаган. Натижада, Юқоричирчиқ туманида бундай адабиётларга бўлган эҳтиёж 69 фоизга, Ўқуқ туманида 76 фоизга, Оққўрғон туманида 77 фоизга қондирилган, холос.

Китоб ва иш юритиш анжомлари ярмаркаларини уюштириш ҳақидаку гап ҳам йўқ.

Жамиятнинг кўнгилдагидек ишламаслиги натижасида вилоят ўқувчилари қўлига дарсликлар бошқа йўللار билан етказилмоқда. Хўш, қандай қилиб,

дерсиз.

Бугунги кунда вилоят мактабларида таълим олаётган 527 минг 969 нафар ўқувчи учун 5807,6 минг дона дарслик зарур. Айни кунда эса шаҳар ва туман кутубхоналарида 2217,3 минг нусха шундай адабиёт мавжуд. Ота-оналар томонидан эса 2540,5 минг нусха ўқув қўлланмалари сотиб олинган. Бу барча эҳтиёжнинг 82 фоизини ташкил этади.

Вилоят ўз-ўзини таъминлаш ўрнига, вилоят учун ажратилаётган дарсликлар Халқ таълими вазирлигининг «кўрсатмаси» билан Тошкент шаҳар «Китобсавдо» жамияти орқали сотилмоқда. Бундан ташқари бошқа ташкилотлар томонидан етказилган дарсликлардан келадиган даромад ҳам ўзга ташкилотлар «чўнтагига» тушган.

ДАРСЛИКЛАР ЎЗИМИЗДА СОТИЛСА ЭДИ...

«Тошвилкитобсавдо ва таъминоти» давлат акциядорлик жамияти бундай ҳолатдан чиқиб кетиши учун нима қилмоқ керак?

Аввало, вилоят китоб савдоси буюртмасини шакллантиришда юқори

ташкilotларнинг аралашувига барҳам бериш, бу борада «Тошвилкитобсавдо ва таъминоти» жамиятининг ролини ошириш, таълим муассасалари билан шартномаларни ўзи тузиши учун имконият яратиб бериш керак. Шунингдек, Халқ таълими вазирлиги «Ўқувтаълимтаъминот» бош бошқармасининг вилоят таълим муассасаларига китоб сотишдаги мавқеига барҳам бериш лозим.

Вилоятда дарсликларга бўлган талабни қондириш мақсадида Республика ва маҳаллий бюджетдан ажратиладиган маблағларни тақсимлашда факат «Тошвилкитобсавдо ва таъминоти» жамияти билан вилоят «Ўқувтаълимтаъминот» корхоналари ўртасидаги рақобатни рағбатлантиришни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўларди.

Вилоят давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси китоб дўконларини очиш учун давлат мулкни ҳисобланган биноларни қайта ҳисоблаб, жамиятнинг устав жамғармасидаги давлат улушини тегишлича қайта тузиш учун амалий ёрдам кўрсатиши керак, назаримизда. Шундагина жамият иши ривожланиши, вилоятда дарслик ва бошқа китобларга бўлган эҳтиёж тўла қондирилиши, бундан тушадиган барча даромадлар ишларни янада жонлантиришга хизмат қилиши мумкин.

Саидолим НАБИЕВ,
Вилоят Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси рақобат сиёсати бўлимининг бошлиғи.

Sport



ОМАДСИЗ ТУР

Мамлакат XII миллий чемпионатида навбатдаги еттинчи тур учрашувлари бўлиб ўтди. Саккиз ўйиннинг тўрттасида майдон эгалари. Этасида эса меҳмонларнинг қўли баланд келди.

Вилоятимиз вакиллари ўз ўйинларини сафарда ўтказдилар. «Дўстлик» чемпионат пешқадами «Нефтчи» жамоасига қарши Фарғонада майдонга тушиб, биринчи бўлимдаёқ жавобсиз 3 тўп

ўтказиб юборди ва ўйинни йирик ҳисобда (0:6) бой берди. Бу йирик мағлубиятдан сўнг «Дўстлик» — 3-ўриндан 6-ўринга тушиб қолди. «Металлург» Қаршида «На-

саф» билан баҳс юритди. Ўйин 3:1 ҳисобида металлургчиларнинг мағлубияти билан якунланди. Турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Навбахор» — «Пахтакор» 1:1; «Бухоро» — «Қизилқум» 0:1; «Андижон» — «Гулистон» 3:0; «Қўқон-1912» — «Машъал» 0:2;

«Трактор» — «Сурхон» 1:3; «Самарқанд-Д» — «Цементчи» 4:0. Навбатдаги саккизинчи тур учрашувлари 14 майда бўлиб ўтади. «Дўстлик» ўз майдонида «Самарқанд-Д» билан, «Металлург» эса «Қўқон-1912» жамоаси билан баҳс юритади.

Таъват ЮСУПОВ.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармаси жамоаси Чирчиқ шаҳар босмахонаси директори Алишер Терешович Абдуқодировга акиси **Бахтиёр АБДУҚОДИРОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТДА ПРАВА

Муассис
ТОШКЕНТ
ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатҳиддин
МУҲИДДИНОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48.
Эълонлар: 133-70-10, 136-53-80.

Манзилими:
700000, Тошкент
шаҳри, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 8 рақам билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва сақланган.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.